

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 809.56–07

ББК: 81.2

А–87

АТХАМДЖАНОВ ҚОСИМЖОН БАХРОМДЖОНОВИЧ

**ЯПОН ТИЛИДАН БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ПОРТРЕТ
ЯРАТИШ МАҲОРАТИ
(ЯПОН ТИЛИДАН ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАР МИСОЛИДА)**

5А 120201 – Таржима назарияси ва амалиёти (япон тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:
фил.ф.н., доц. Алимбеков А.

Тошкент – 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Факультет: Шарқ филологияси ва фалсафа

Кафедра: Таржима назарияси ва амалиёти

Ўқув йили: 2013-2014

Магистратура талабаси:

Атхамджанов Қосимжон Баҳромджонович

Илмий раҳбар: фил.ф.н., доц.

Алимбеков Адхамбек Камолович

Мутахассислиги: 5А 120201 – Таржима назарияси ва амалиёти (турлар бўйича)

ЯПОН ТИЛИДАН БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ПОРТРЕТ
ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

(Япон тилидан қилинган таржималар мисолида)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНING АННОТАЦИЯСИ

Бугунги кунда юртимиз китобхонларини хорижий халқлар бадиий сўз усталарининг энг яхши асарларидан баҳраманд қилиш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, замонавий япон адабиётининг йирик вакилларида бири бўлмиш Кобо Абэ асарлари мазмунини тадқиқ қилиб, унинг ижоди, асарларининг сюжети ва бадиий портрет жиҳатдаги хусусиятини умуминсоний маънавий бойлик сифатида ўрганиш зарурияти *тадқиқот ишининг долзарблигини* ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: «Қумдаги хотин» ва «Яшиқ-одам» асарларидаги қаҳрамонлар портрети бадиий адабиёт тамойиллар асосида яратилганлиги ҳамда бадиий таржимада портрет яратиш маҳоратининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилишдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги *вазифалар* белгиланди:

- Портретнинг бадиий асардаги ўрни ва вазифасини очиб бериш;
- ўзбек бадиий асарларида портрет яратиш тарихини ўрганиш;
- япон адабиётида портрет яратишнинг ўзига хосликларини аниқлаш;
- «Қумдаги хотин» ва «Яшиқ-одам» асарларидаги персонажларнинг психологик портретини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объектини япон адабиётининг буюк намоёниси Кобо Абэ асарлари таржимасида портрет яратиш маҳорати ташкил қилади. Кобо Абэнинг «Қумдаги хотин», «Яшиқ-одам» асарларидаги персонажларнинг таржима назарияси ва амалиёти жиҳатларидаги портрет таҳлили *тадқиқот предмети этиб белгиланди*.

Тадқиқот методлари: тарихий-маданий, қиёсий ва тизимли таҳлил.

Илмий ишнинг янгилиги: персонажларнинг бадиий ва психологик портрети Кобо Абэнинг япон ҳамда ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган асарлари асосида тадқиқ қилинди.

Диссертация кириш, III та бобни ўз ичига олувчи асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий раҳбар: _____

Магистратура талабаси: _____

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES**

Faculty: Oriental Philology and Philosophy

Department: Theory and practice of translation

Academic year: 2013-2014

Master's student:

Atkhamdjanov Kosimjon Baxromdjonovich

Scientific supervisor: Ph/D., associate professor,
Alimbekov Adkhambek Kamolovich

Specialization: 5A 120201 – Theory and practice
of translation (by types)

**SKILLS IN CREATION OF A PORTRAIT IN LITERARY
TRANSLATION FROM JAPANESE
(in example of translated Japanese novels)
ANNOTATION OF DISSERTATION WORK**

Nowadays, the necessity of satisfying the demands for supplying Uzbek readers with the best works of foreign writers is increasing. From this point, necessity of researching the meaning of the works of one of the best representatives of Japan literature Kobo Abe, studying the plot of his novels and properties of the aspect of artistic portrait as universal wealth make the urgency of the dissertation work.

The aim of the research: Analysing creation of portraits of the heroes of novels «The Woman in the Dunes» and «The Box Man» with principles of fiction and the importance and role of creation of an artistic portrait in fiction. In order to achieve the goal, we have to perform the tasks below:

- Revealing the role and function of portrait in fiction;
- Learning the history of creation of portrait in Uzbek literature;
- Clarifying the features of the creation of portrait in Japanese literature;
- Analysing the psychological portraits of the characters of novels «The Woman in the Dunes» and «The Box Man».

Object of the dissertation work is composed of skills of creation of portraits in translations of Kobo Abe's works. The portrait analyze of the heroes of Kobo Abe's «The Woman in the Dunes», «The Box Man» in theoretical and practical aspects is considered subject of the dissertation work

Method of the dissertation work: historical-cultural, comparative and systematic analyze.

Novelty of the dissertation work: The analyze of artistic and psychological portrait of characters is based on the Kobo Abe's works translated and published in Uzbek and Japanese.

The Dissertation includes the introduction, three chapters, conclusion and the list of used literatures, list of sources.

Scientific supervisor: _____

Master's student: _____

Мундарижа

КИРИШ	5
I боб. Портрет ва унинг бадиий асардаги ўрни	13
1. Адабиётшуносликда портрет ва уни яратиш тарихи	13
2. Япон адабиётидаги портрет қўлланилган асарларнинг ўзига хосликлари	23
I боб бўйича хулоса	31
II боб. Кобо Абэнинг портрет яратиш маҳорати	33
1. «Кумдаги хотин» романида Ники Дзюмпэй портрети ва у орқали инсон кечинмаларининг акс эттирилиши	35
2. «Кумдаги хотин» романида Аёл образининг портрети	48
II боб бўйича хулоса	57
III боб. «Яшик-одам» романида портрет талқини	59
1. «Яшик-одам»да персонажлар портрети	59
2. «Яшик-одам»да қаҳрамонларнинг психологик портрети	70
III боб бўйича хулоса	78
Хулоса	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	83

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятимиз маънавиятини юксалтиришда, келажак авлоднинг камол топиши ва Ватанимизнинг равнақи йўлида ўзбек адабиёти йиллар оша садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Зотан, қайси замонда ва қайси заминда яратилмасин, адабиёт халқ учун яратилади. Шунинг учун ёзувчи ва халқ, халқ ва адабиёт тақдирлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Бадиий асар ўз даврининг миллий хусусиятларини ифодалашида инсон тасвири мукаммал бўлиши, унинг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, яъни портрети ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарларида комил инсон сифатларини мисол келтириб, таҳлил қилганлар:

«Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз»¹.

Айниқса, тарихий-бадиий асарлардаги тарихий шахсларнинг ташқи кўриниши, кийиниши, турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, қиёфаси, тўплаган тажрибаси бизни келажак сари собит қадам ташлашимизга ёрдам беради. Шунинг учун бўлса керак, барча халқлар адабиётида ўтмиш ва машҳур тарихий шахслар ҳақида кўплаб бадиий асарлар битилган.

Мустақиллик нафақат ижтимоий ҳаётимизда, балки тафаккуримизда ҳам жиддий ўзгаришлар ясаётган даврда яшамоқдамиз. Истиқлол иқтисодий сиқувлар исканжасини бартараф этиш билан бирга тафаккуримизда қотиб қолган эски сиёсий-мафкуравий қолип ва андозалардан воз кечишни талаб этмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият». 2008. 58-бет

асарга санъат асари сифатида баҳо бериш, ижодкорнинг бадиий маҳоратини ўрганиш бугунги куннинг эстетик талабларидан бирига айланмоқда.

Миллий маданиятимизни бойиши турли халқларнинг маънавий бойлиги ва маънавий дунёқарашлари билан ўзаро боғлиқ равишда ривожланади. Хусусан, Шарқ халқлари адабиётини тадқиқ қилиш ва ўрганиш, турли халқларнинг маънавий бойлиги ва маънавий дунёқарашига қўшилиши асосида миллий маданият бойиб боради.

Мазкур методологик ёндошувга мамлакатимиз раҳбарининг батафсил ва атрофлича билдирган қуйидаги фикрлари тўлиқ асос бўлади:

«Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши «Жаҳон адабиёти» журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Ғарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим»².

² Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2009. 32-33 бетлар

Ҳар қандай ижод намунаси, бадиий асар синфий тамойилга таяниши ва қандайдир ғоя, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Бугунги кунда эркин ижод қилиш, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимиз, халқимиз тарихи, унинг сермазмун ҳаётини тўлақонли ҳамда ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди. Ёзувчилардан китобхон кўз ўнгида жонли қаҳрамон қиёфасини яратиш, унинг ҳаракатдаги яшовчан образни гавдалантириш, бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор инсон портретини яратишни талаб этилади.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу олийжаноб интилишдир... Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, боринги, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади»³.

Бадиий адабиёт инсоният маънавиятининг асл сарчашмаси, башариятнинг руҳий асосларидан бири, инсоннинг қалб ҳарорати инъикоси ҳисобланади. Бадиий адабиётнинг илмий ўрганилиши инсон юрагида, унинг қўнгил кўзгусида акс этган ўзига хос такрорланмас, фалсафий, ахлоқий-таълимий ва маънавий руҳининг шаклланиш жараёнлари, ифодалари моҳияти ва йўналишларини белгилашга имкон беради.

Миллат маънавиятини такомиллаштирувчи омиллардан бири сифатида турли халқлар адабиётларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро таъсирини эътироф этиш лозим. Миллий адабиётларнинг бир-бири билан узвий алоқадорлиги ва ўзаро таъсир жараёнлари узоқ тарихий анъанага эга. Бошқа халқлар билан дўстона муносабатда бўлиш ва уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ўзбек халқи маънавиятига хос бўлган хусусиятдир. Зеро, бугунги кунда ҳорижий халқлар бадиий сўз усталарининг энг яхши асарларидан юртимиз китобхонларини баҳраманд қилиш эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, замонавий япон адабиётининг йирик вакилларида бири бўлмиш Кобо Абэ асарлари мазмунини тадқиқ қилиб, унинг ижоди, асарларининг сюжети ва бадиий портрет жиҳатдаги

³ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент, «Ўзбекистон». 1996, 88-бетлар

хусусияти умуминсоний маънавий бойлик сифатида ўрганишга лойиқдир.

Демак, адабиёт жамият ҳаётида маълум ўринни эгаллай бошлаган даврларида бошлаб инсон, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, руҳий дунёсидаги турфа ўзгаришларни ўрганишга, тушунишга интилиб келади.

Ижодкорнинг инсонни тадқиқ этишида ўзидан олдин иборатомуз умр кечирган машҳур тарихий шахсларнинг ҳаётӣ тажрибаси, уларнинг бадиий қаҳрамон сифатидаги образини яратишда портрет тасвири муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари «Қумдаги хотин» ҳамда «Яшик-одам» асарларидаги қаҳрамонлар портрети қайси тамойиллар асосида яратилганлиги ва бадиий таржимада портрет яратиш маҳоратининг ўрни ҳамда аҳамиятини таҳлил қилиш. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Портретнинг бадиий асардаги ўрни ва вазифасини очиб бериш;
- ўзбек бадиий асарларида портрет яратиш тарихини ўрганиш;
- япон адабиётида портрет яратишнинг ўзига хосликларини аниқлаш;
- «Қумдаги хотин» ва «Яшик-одам» асарида персонажларнинг психологик портретини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Япон адабиётининг романларида қўллаган портрет санъати орқали япон романчилигининг ҳамда бадиий портретнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, бадиий асарда шахс образини гавдалантиришда ўзига хос хусусиятга эга бўлган Кобо Абэнинг «Қумдаги хотин» ва «Яшик-одам» романлари тадқиқот объекти қилиб белгиланади.

Кобо Абэнинг «Қумдаги хотин», «Яшик-одам» асарларидаги персонажларнинг таржима назарияси ва амалиёти жиҳатларидаги портрет таҳлили ишнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Таржима назарияси ва амалиёти хусусиятларида Кобо Абэнинг романларида портрет яратиш маҳоратини унинг асарларини она тилимизга ўгириб,

Ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола қилиш ватандошларимиз дунёқарашларини янада кенгайтишига, уларда умуминсоний ва миллий кадриятларнинг ўзаро муштараклигини чуқурроқ англаш салоҳиятини такомиллаштиришига хизмат қилиши мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлиги. XX аср ўзбек романчилигида ҳам бу мавзуда бир катор асарлар яратилган. Айрим тарихий романлардаги тарихий қаҳрамонлар коммунистик мафкура нуқтаи назаридан таҳлил ва тадқиқ этилиб, портрет тасвирига муносабат билдирилган эди. Бундай асарлар тарихий ҳақиқат нуқтаи назардан таҳлил қилинганда улардаги адабий қаҳрамонлар портрети, тарихий воқеалар, тарихий шахслар бир томонлама талқин қилинганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Қаҳрамонлар портрети тасвирини тўғри баҳолаш мамлакатимиз истиқлолга эришган сўнг амалга оширилаётгани муҳим ижтимоий ҳодисалардан ҳисобланади. Зеро, мустақиллик даври истиқлол мафкураси ва айниқса адабиётимизнинг яқин тарихини қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам портрет яратиш маҳоратига доир бир қанча мақолалар, рисоалар яратилдики, уларда портрет яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари ва услуб масалалари қаламга олинади.

Жумладан, М.Абдувахобованинг «Портрет характеристика психологик таҳлил воситаси сифатида», О.Авезованинг «Психологик таҳлил қирралари», Ҳ.Ёкубовнинг «Ойбек прозасида бадиий тасвир»⁴, Ҳ.Болтабоевнинг «Наср ва услуб»⁵, М.Қўшжоновнинг «Ойбек маҳорати»⁶, «Абдулла Қаҳҳор маҳорати»⁷ каби йирик монографик тадқиқот ва китобларда бадиий портрет масаласи анча кенг ёритилган.

Рус адабиётшунослигининг илғор вакилларида М.С.Гуснинг «Ф.М. Достоевскийнинг ғоя ва образлари»⁸, А.П.Беликнинг «Ф.М.Достоевскийнинг

⁴ Ёкубов. Ҳ. Ойбек прозасида бадиий тасвир. – «Ўзадабийнашр». 1977.

⁵ Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент, «Фан». 1992.

⁶ Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент, «Тошкент». 1965.

⁷ Қўшжонов.М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент, «Адабиёт ва санъат» 1988.

⁸ Гус М.С. Идеи и образы Ф.М. Достоевского. – Москва, «Художественная литература». 1971.

бадий образлари»⁹, А.Б.Дерманнинг «Чехов маҳорати ҳақида»¹⁰, В.В.Голубковнинг «А.П.Чехов маҳорати»¹¹ каби асарларда адибларнинг бадий маҳорати кенг ва атрофлича ўрганилган. Ф.М.Достоевский, И.С.Тургенев, Л.Н.Толстойларнинг портрет яратиш маҳорати йирик илмий тадқиқотларнинг объекти қилиб олинганлиги барча адабиётшуносларга маълумдир.

Япон адабиётида ҳам бир қанча адибларнинг таҳсинга сазовор асарларида бадий услублардан кенг ёритилган. X аср охири – XI аср бошларида адиба Мурасаки Секибу (978–1016) яратган «Гендзимоногатари» («Шахзода Гендзи ҳақида қисса») асари Япония мумтоз адабиётининг чўккиси бўлди.

Япон адибларининг бадий тасвир санъати ривожланишига қўшган хиссаларини яна бир қатор асарлар орқали ифодалаш мумкин. Таниқли япон адиби Кобо Абэ асарларида инсоннинг ички ва ташқи дунёси ғоятда кенг тасвирланади. Ёзувчи портрет санъатини қўллашда асардаги қаҳрамоннинг ички ва ташқи дунёсини бадий муболағалар ва образлар орқали ифодалаш натижасида унинг асарларини таъсирчанлик даражаси ортган.

Кобо Абэ ушбу санъатни қўллаш орқали асар қаҳрамонининг маънавий дунёсини ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини акс эттирган. Таърифлар асосида бош қаҳрамоннинг маънавий ва моддий ахволини илғаш ҳам мушкул эмас. Таъкидлаш жоизки, Кобо Абэнинг асарлари реал ҳаётга асосланган. Бу табиий, чунки адиб уруш йилларини бошидан кечирган, ҳалқининг ғам-аламани ўзида ҳис этган ёзувчидир. Унинг бошқа асарларида ҳам реал воқеъликка асосланган сюжетларни қўплаб учратишимиз мумкин. Лекин, магистрлик ишининг мавзуси таржима назарияси ва амалиёти ихтисослиги жиҳатларида етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг услубияти ва услублари. Тадқиқотнинг услубиятини белгилашда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг адабиётга хос мулоҳазалари ва қарашларини ифодалаган асарлари кенг

⁹ Белик А.П. Художественные образы Ф. М. Достоевского. – Москва, «Наука», 1974.

¹⁰ Дерман А.Б. О мастерстве Чехова. – Москва, «Советский писатель». 1959.

¹¹ Голубков В.В. Мастерство А.П.Чехова. – Москва, «Учпедгиз». 1958.

фойдаланилди. Шу билан бирга, А.П.Белик, М.С.Гус, В.Н.Стасевич, В.М. Ходасевич, Нери Абэ каби қатор рус ва бошқа хорижий олимларнинг санъат назарияси ва тарихи, бадиий образ ва бадиий маҳорат масалаларига бағишланган асарларидан фойдаланилди.

Шунингдек, XX аср ўзбек романчилиги тараққиётини ўрганишда А.Алиев, М.Қўшжонов, М.Султонова, О.Шарафиддинов, Ҳ.Болтабоев каби қатор ўзбек адабиётшуносларининг ҳам айна масалаларга доир тадқиқотларига ҳам таянилди. Диссертация ишини тайёрлашда тарихий, қиёсий ва тизимли услублардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистирлик диссертацияси япон ёзувчиси Кобо Абэ асарини маъно ва мазмун жиҳатидан назарий англаш имконини яратади.

Ушбу магистрлик иши натижаларидан:

- олий ўқув юртларининг таржимонлик йўналишида касбий фаолият олиб бораётган педагоглар жаҳон адабиёти вакилларининг асарлари асосида портрет санъатига оид таҳлилни олиб боришлари мумкин;
- амалиётчи таржимонлар ва талабалар ўз илмий-ўқув фаолиятларида фойдаланишлари мумкин;
- шарқ филологияси, хусусан япон филологияси йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, япон адибларининг асарлари бўйича махсус курслар тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистирлик ишида портретнинг бадиий асарда тутган ўрни ва роли, Кобо Абэнинг асаридаги портрет яратишнинг асосий жиҳатларини таҳлил қилишга ҳамда илмий ёритишга интилдик. Ёзувчининг портрет яратиш маҳоратининг шаклланиш даражасини белгилаш мақсадида унинг қаламига мансуб бўлган «Қумдаги хотин» ва «Яшик-одам» асарлари таҳлил қилинди. Япон бадиий романчилиги ривожда ёзувчи Кобо Абэнинг ҳиссаси беқиёсдир. Унинг романлари ранг-баранг мавзуларда бўлиб, факт ва материаллар асосида

бадий образларини гавдалантиришда албатта портретнинг аҳамимият катта бўлган. Чунки ҳар қандай миллатнинг ўзига хос анъанаси, урф одати, кийиниши ўзига хос миллий характери бўлгани каби, ҳар бир даврнинг кийиниш анъанаси, кишиларнинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатлари бўлади. Диссертацияда илк бор, япон ёзувчиси Кобо Абэнинг романларидаги адабий қаҳрамон образини яратишда портрет тасвирини ўрни; аҳамияти изчил кузатилиб, бадий асарга конкрет ижодкор субъектининг ўзаро муносабатлари махсули сифатида ёндошилди.

Шунингдек, романлардаги характер яратиш маҳорати, уларнинг моҳиятини ўрганиш, ижодкорларнинг бадий асарга шахс образи олиб киришдан мақсад-моҳиятини атрофлича таҳлил қилиш ҳам тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилаши мумкин

Тадқиқот давомида эришилган илмий янгиликлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ўзбек бадий асарларида портрет яратиш тарихи ёритилди.
2. Япон адабиётида портрет яратишнинг ўзига хосликлари очиб берилди.
3. Кобо Абэнинг асарларида портрет яратишнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинди.

4. Ёзувчининг шаклланиш даражасини белгилаш мақсадида «Қумдаги хотин» ва «Яшиқ-одам» асарлари портрет яратиш маҳорати жиҳатидан келиб чиқиб, таҳлил қилинди.

5. «Қумдаги хотин» ва «Яшиқ-одам» асарида персонажларнинг психологик портрети ўрганилди.

6. Портрет санъатининг бадий асарда тутган ўрни ва роли таржима назарияси ва амалиёти жиҳатларида (Кобо Абэнинг япон тилида нашр қилинган асарлари асосида) ёритилди.

Иш тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, уч боб (олти параграф), хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 85 бетни ташкил этди.

I БОБ. ПОРТРЕТ ВА УНИНГ БАДИЙ АСАРДАГИ ЎРНИ

1. Адабиётшуносликда портрет ва уни яратиш тарихи

Бадиий асар тахлили қадим замонлардан илм эгаларининг диққатини тортиб келган. Сюжет қурилиши, воқеалар ривож, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатнинг аниқ ва теранлиги, характер яратиш, буларнинг ҳаммаси тил маҳорати билан боғлиқ мураккаб муаммолардир.

Хатто бир қарашда анча «осон» юмушдек кўринган портрет чизишда ҳам катта истейдод талаб этилади. Бунинг натижасида асар қаҳрамони қиёфаси шунчаки «портрет» эмас, тирик одамга айланади. Бундан ташқари бадиий асарда сўзнинг ички мусиқаси – оҳанги бўлиши шарт, қаҳрамонлар портрети, пейзаж, удумлар китобхонда ўша халқ, ўша миллат ҳақида тасаввур уйғотади.

Адабиётлар тахлиliga кўра, фанда портрет атамаси борасида луғатларда бир қанча олимларнинг таърифлари ёритилган. Жумладан, тор маънода *портрет* (французча Portrait) – бир инсоннинг сурат, ҳайкал, фотографик ёки бошқа шаклдаги тасвири¹², бадиий тасвир, адабий қаҳрамон образи¹³ деб таърифланади. Кенг маънода эса портрет – адабий асарда қаҳрамон ташқи кўринишининг тасвири: унинг юзи, қад-қомати, кийими, хатти-ҳаракати ифодасидир. Адабиётда кўп учрайдиган психологик портрет орқали адиб қаҳрамоннинг ташқи кўриниши орқали унинг ички дунёси ва характерини яширишга ҳаракат қилади¹⁴.

Адабиётшунослик луғатида эса, портретга қуйидагича таъриф берилади:

Портрет (фр. *portraire* – тасвирламоқ) персонажнинг сўз воситасида тасвирланган ташқи кўриниши (қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари), ўқувчи тасаввурида жонланадиган тўлақонли инсон образини яратиш ва унинг характерини

¹² Словарь иностранных слов. – Москва, «Русский язык». 1988. стр.483.

¹³ С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова. Толковый словарь русского языка. - Москва, «А ТЕМП». 2010, стр.566.

¹⁴ Словарь литературоведческих терминов, – Москва, «Мысль» 1974. стр.325.

очиш воситаларидан бири. Портрет эпик асарнинг композицион унсури бўлмиш тафсифнинг бир кўринишидир¹⁵.

Шунингдек, ушбу луғатда келтирилишча, портрет шартли равишда иккига: статик ва динамик портретга фарқланади. Статик дейилишига сабаб, портретнинг бу турида персонажнинг ташқи қиёфаси сюжет воқеаси тўхтатилган ҳолда анча муфассал, деталлаштириб чизилади. Статик портретлар одатда персонаж асар воқелигига илк бор кириб келганида берилади. Динамик портрет эса, муфассал эмас, балки воқеа ва диалоглар тасвирида, яъни ҳаракат давомида бериб бориловчи персонаж ташқи кўринишига хос айрим деталлар назарда тутилади. Бундай портрет деталлари (юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракати, қилиқлар) кўпроқ ремаркалардан жой олади ва персонажнинг айна пайтдаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилади¹⁶.

Адабий портрет яратишнинг аҳамияти образнинг ташқи қиёфасини конкретлаштиришга ёрдам бериш, китобхон кўз ўнгида ҳаракатдаги, жонли қаҳрамонни гавдалантириш билан чекланмайди. Маҳорат билан яратилган портрет тасвирида персонажнинг ёши, қайси ижтимоий табақага ҳослиги, касби, машғулоти, маданий даражаси, характери, одоби, психикаси ҳаттоки қайси даврга мансублиги ҳам ўз ифодасини топади.

Бадиий адабиётда инсон тасвири, унинг ички руҳий ҳолатлари, ўй кечинмалари, фожиали, аянчли, бахтли турмуш тарзини тасвирлаш биринчи ўринда турди. Шахс концепцияси хийла чуқурлашиб, бойиб, инсон шахсига ҳар томонлама ёндашишга интилиш, унинг руҳий оламини кучли ва ожиз томонларини билан рўй-рост кўрсатиш кучайди. Реалистик омилларнинг қайта қад рослаши, сўз санъатнинг ифода олами ранг-баранг кўринишида тус ола бошлашига услубий-шаклий изланишлар учун имконият туғдирди.

¹⁵ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, «Akademnashr». 2013. 226-бет.

¹⁶ Ўша ерда, 227-бет.

Шунингдек, насрнинг улкан жанри ҳисобланмиш романчиликда ҳам шахсий-услубий изланишлар кўзга янада очироқ ташланади. «Янги реалистик насримизнинг илк қадамларидаёқ намоён бўла бошлаган икки етакчи услуб йўналиш лирик-романтик ва изчил реалистик услуб муайян оқим даражасига етди, ҳар иккала услубнинг имкониятлари кенгрок очилди»¹⁷.

Ҳар бир бадиий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати, хатти-ҳаракати ўзига хос тарзда қаҳрамон ҳаракатига мос равишда ифодаланади. Бу эса бадиий асарнинг портрети ҳисобланади.

«Бадиий асардаги портретнинг характери ва функциялари ранг-баранг бўлади. Бироқ портретнинг энг муҳим характери унинг кўпроқ психологик портрет бўлишидир. Психологик портрет ёзувчига персонажнинг ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий дунёсини очишга ёрдам беради»¹⁸.

Демак, адабий қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши, хатти-ҳаракати, яъни портрети ёзувчининг услуби, маҳорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда турли тарзда берилиши мумкин. Бадиий асарда ҳамма қаҳрамонларнинг ҳам портрети тўлиқ берилавермайди. Баъзан шахснинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракати жуда батафсил тасвирланса, баъзан образнинг ё ташқи қиёфасига ёки унинг хатти-ҳаракатига оид муҳим бир детални тасвирлаш орқали берилиши мумкин. Зеро, портрет образ яратилишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ёзувчи ўз асарида воқеликни образлар воситасида акс эттирар экан, шу асарда тасвирланган нарсалар, иштирок этган шахслар ҳам образ дейилади.

¹⁷ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент, «Шарк». 2007, 174-бет.

¹⁸ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. – Тошкент, «Ўқитувчи». 1983, 252-бет.

Лекин шундай бўлишига қарамай, адабиёт ва санъатда образ фақат инсонга нисбатан ишлатилади. «Портрет – санъат асаридаги инсон ва унинг рухий ҳолатининг ҳамда ўша давр манзарасининг тасвиридир». Ҳаёт воқеа-ҳодисларини қайта тиклашда инсон портрети ғоятда муҳим роль ўйнайди. Ғоявий ва бадиий жиҳатдан етук асарларидаги кишилар портрети орқали биз муайян давр ҳаёти ҳақида кенг ва конкрет маълумот оламиз.

Айниқса, тарихий асарда маълум тарихий шахснинг иштирок этиши ёки этмаслиги, асарнинг аниқ фактлар ва ҳужжатлар асосига қурилишининг шартлиги ёки тарихий асар воқеаларининг ўтмишидаги тарихан тугалланган бир даврда тасвир этилиши каби масалалар ётади.

«Асарда ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши, характерларнинг типиклиги, санъаткор талқин этган ижтимоий идеалнинг муҳимлиги, асарнинг халқчиллиги, ёзувчининг шакл ва мазмун бирлигига эришишдаги маҳорати, асарнинг эстетик ҳамда тарбиявий таъсирининг кучли бўлиши – бадиий тасвир воситаларини моҳирона ишлата билиш санъатига боғлиқ»¹⁹.

Портрет – бадиий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги ва ҳақозоларининг тасвири. Асарда иштирок этувчининг портретини – ташқи қиёфасини (юзи, гавдаси, кийими, қилиқлари ва бошқаларни) тасвирлаш ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам муҳимдир. Ёзувчи учун портрет чизиш бадиий тасвир воситаси, характерни очиш усулидир²⁰.

Бу усулнинг бир афзаллиги шундаки, унинг воситасида ташқи белгилар ёрдамида қаҳрамоннинг ички дунёсидаги ўзгаришлар юзага яққолроқ чиқади.

Портрет чизишнинг турли-туман хилларидан ҳар бир ёзувчи ўз услуби, ғоявий мақсадига мувофиқ ҳолда фойдаланади. Маҳорат билан чизилган портрет инсоннинг тўлақонли образини ёрқинлатиш, рухий дунёсини яхшироқ бадиий тадқиқ этиш воситасига айланади²¹.

Портрет орқали ёзувчи китобхонларга қандайдир янгиликни, фикрларни очиб беради ва кишиларни тушунишга, кўришга, хис этишга

¹⁹ Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, «Ўқитувчи». 1979. 101-бет.

²⁰ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, «Шарқ». 2008. 98-бет.

²¹ Ўша ерда, 99-бет.

ўргатади. Ёзувчи илгари сурган асарда ифода этилган ғоя тасвир воситалари орқали ҳам акс эттириб берилади.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам портрет яратиш маҳоратига доир бир қатор мақолалар, рисоалар яратилдики, уларда портрет яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари ва услуб масалалари қаламга олинади.

Ҳ. Ёқубовнинг «Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат»²², М.Қўшжоновнинг «Ҳаёт ва маҳорат»²³, М. Султонованинг «Абдулла Қаҳҳор услуби»²⁴, А.А. Алиевнинг «Ижод ва изланиш»²⁵ каби мақолаларида қаҳрамон портрети ва услубга доир масалалар имконият даражасида ўрганилган.

Бадиий адабиётда сўз ва гаплар образ ҳамда портрет яратишнинг ўзига хос либоси, материалidir. Талантли ёзувчилардан ҳаётдаги ҳодиса ва воқеаларни инсон онгида портретини гавдалантира олиш катта маъсулият талаб этади. Биз одатда, бадиий асар қаҳрамонларини кўра олмаймиз. Бироқ уларга берилган таъриф-тасвирдан маълумот олишимиз, тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Китобхон қалбига кириб бориш, унинг хотирасида муқим ўрнашиб қолиш ёзувчидан тасвирланмоқчи бўлган воқеа, ҳодисаларни таъсирчан қилиб тасвирлашни талаб қилади. Чунки китобхон танишган воқеа ҳодиса, қаҳрамонлар қанчалик ишонарли бўлса, жонли қилиб тасвирланса, ёзувчининг илгари сураётган ғояси унга шунчалик кучли таъсир қилади.

Қаҳрамоннинг жонли, ҳаётий бўлишини таъминлайдиган воситалардан бири портретдир. «Бошқа тасвир воситаларидан портретнинг ҳам бадиий асарда ўрни ва вазифаси бор. Портретга ажратилган ўрни, юкланган вазифа бир мантиққа, маълум бир бадиий қонунга бўйсундирилган бўлиши шарт. «Портрет асарнинг ғоявий йўналишидан четда бўлиши мумкин эмас»²⁶. Ёзувчи портретнинг қайси турини

²² Ёқубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. – Тошкент, «Ўзфанакадемнашр». 1963.

²³ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Тошкент, «Ўздабийнашр». 1962.

²⁴ Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. – Тошкент, «Фан». 1967.

²⁵ Алиев А.А. Ижод ва изланиш. – Тошкент, «Адабиёт ва санъат». 1973.

²⁶ Султонова М. Портрет яратишнинг бадиий аҳамияти. – Тошкент, «Фан». 1969, 4, 14-бетлар.

кўлламасин, у қаҳрамоннинг руҳий дунёсини очишга, унинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиришга интилса, китобхон кўз ўнгида жонли одам намоён бўлади.

Демак, адабий портрет асар қаҳрамонининг фақатгина ташқи кўринишини, қиёфасини тасвирлаш учунгина эмас, қаҳрамоннинг маънавий оламини очиб беришга, ўзига хос белгиларини кўрсатишга ҳам хизмат қилар экан.

Бадиий адабиётда портрет – персонаж ташқи қиёфасининг тавсифи, тасвири; бадиий образ яратиш воситаларидан бири. Портрет характери асар жанрига ҳамда ёзувчининг ижодий методи ва индивидуал услуби хусусиятларига боғлиқ бўлади. Одатда, портрет персонаж характерининг ёзувчи энг муҳим деб ҳисоблаган жиҳатларини очиб беради. Портрет адабиётда қадимдан мавжуд. Тасвир воситаси сифатида ўзгариб такомиллашган.

Реалист ёзувчилар ташқи қиёфани батафсил тавсифлайдилар, унда давр ва ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда рўй берган ўзгаришларни айнан акс эттирадилар. Масалан, Абдулла Қодирий, Ойбек ва ҳк. XIX асрда портретнинг ички ёки психологик-руҳий портрет деб аталган тури тарқалиб, унда персонажнинг характери – белгилари ва руҳий кечинмалари мажмуи очиб берилади (Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёкубов). Адабий портрет – атоқли шахс, яъни ёзувчи, рассом, жамоат арбобининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги очерк алоҳида жанри ҳисобланади.

Романдаги портрет тасвири марказий қаҳрамоннинг руҳий дунёсидаги ҳолат, ўзгаришларни англаш, тушуниш учун муҳим роль ўйнайди. Унинг бадиий образини яратишда ёзувчи ҳаётнинг ранг-баранг манзараларидаги воқеа-ҳодисалардан фойдаланади. Конкрет тарихий шахснинг ҳаётини лавҳаларини тасвирлайди.

Асарларда қаҳрамонлар портретини яхлит яратиш, уларни бошқалар тасаввури орқали портрет чизгиларини тўлдирмай ёритиш, асарнинг ижобий қаҳрамонларини, айниқса бош қаҳрамонларни афсонавий гўзаллик

билан ифодалаш орқали адабиётнинг умрбоқий анъаналарини давом эттирадилар.

Портрет санъатини адабиётда шундай қўллаш зарурки, унда қаҳрамонлар қиёфаси шунчаки чизилмай, балки унинг моҳияти китобхон кўз ўнгига намоён бўлсин. Баъзи асарларда жонли портрет яратилмайди. Шунинг учун ҳам яратилган қаҳрамонлар портрети ўзига хос психологик «юк» ташийди, қаҳрамонларнинг маънавий қиёфасини, руҳий оламини очиқ беради, ёзувчининг айтилмай қолган фикрларини китобхонга етказди.

Ёзувчи юқорида ифодаланган усулларнинг қайси бирини қўлламасин, қайси жанрда ижод қилмасин асар замирида инсонни тасвирлайди. Унинг орзулари, истаклари, ғаму ташвиши, ўй ҳаёлларига ошно қилади. Кейинги ўринларда эса жой ва макон ҳамда мавжуд вазият таҳлиллари ифодаланиши мумкин.

Ўзбек адибларининг асарлари орқали портрет санъатига бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Жумладан, Чўлпон асарларини ёритсак уларда қаҳрамонлар ва вазият портрети шундай моҳироналик билан ёритилганки, уни ўқиган китобхон қаҳрамон образини ва мавжуд вазият жараёнини беихтиёр кўз олдига келтира олади. З.Т. Тоҳиров «Бадий ижодда тасвир»²⁷ номли услубий қўлланмасида ўзбек насри тарихида олтинчи роман деб тан олинган «Кеча ва кундуз» асари ҳақида кенг ёритиб ўтган. Унинг қўлланмасида ёритилишига кўра, «нутқга ранг-баранглик бериш, бадийликни кучайтириш ниятида ҳам кўпроқ турли хил тасвир воситаларига мурожаат қилинади. Ёзувчи ўз асарининг ғоясини, унда қўйилган мақсадни турли хил образлар тизими, шу образ одатлари, табиати, феъл-атвори ва ҳаракетларини портретлар ёрдамида очиқ беради. Бунда уларнинг турмушини тасвирловчи энг зарурий, энг муҳим нарсаси сўздир»²⁸.

²⁷ Тоҳиров З.Т. Бадий ижодда тасвир. Услубий қўлланма. – Тошкент, «Университет», 2011, 40-бет.

²⁸ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент, «Фан» 1977, 5-бет.

Чўлпон севимли қаҳрамони Зебининг қиёфасини чизмаган. Адиб кўпроқ персонажнинг сийратини чизади, унинг хатти-ҳаракатларини жонли тасвирлайди, гап-сўзларидаги жонли оҳангни ифодалашга интилади, хуллас, ҳар бир ўқувчининг ўз Зебисини тасаввур этиб олишига имкон яратади. Натижада қаҳрамон қиёфасини чизмасликнинг ўзи ўзига хос бадиий усулга айланадики, унинг ёрдамида адиб ўқувчини қаҳрамонига «яқинлаштиради». Кўрамизки, қаҳрамон қиёфасининг қандай ва қай даражада чизилиши белгили эмас, бу ўринда портретнинг (ёки портрет деталларининг) инсон образини тўлақонли яратиш ва ўқувчининг тасаввур эта олиши учун етарли бўлиши асосий мезондир.

«Унинг иккала юзи, айниқса, кўрпанинг катта-катта қавиғига тикилган андишали кўзлари ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшарди»²⁹

Бу ерда Зебининг катта-катта кўзларини кўрпа қавиғига тикилган деб таърифланаяпти. Улардаги қиш бўйи тўпланиб қолган ҳорғинликнинг нишонасини ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшатиш орқали Зебининг ўша вазиятдаги портретини усталик билан ёритган.

Биз Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида портретлардан қай даражада қўлланганлигини таҳлил қила туриб, тилнинг жозибадорлигидан маҳорат билан фойдаланганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўзига хос қобилият соҳиби Чўлпон такрорланмас ўхшатишлар орқали персонаж портрети ярата билган. Бадиий асарда тўлақонли инсон образини яратишдаги муҳим унсурлардан бири бадиий психологизм саналади. Бадиий психологизм дейилганда персонаж руҳиятининг очиб берилиши, унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши тушунилади ва у мазкур вазифаларни амалга оширишга хизмат қилувчи қатор усул, воситаларни ўз ичига олади.

Бадиий асар қаҳрамонлари портретини яратиш, персонажлар портретига чизгилар бериш ва уларни тавсифлаш санъаткор маҳоратини белгиловчи поэтик унсурлардир.

²⁹ Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Тошкент, «Шарқ». 2000, 5-бет.

Романчилилимиз асосчиси Абдулла Қодирий бу жиҳатдан ҳам намунали маҳорат мактабидир³⁰.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари ҳозир ҳам китобхонлар томонидан қизиқиб ўқилади. Худди шу асар билан мавзудош ва даврдош бўлган асарларнинг барчасини ҳам умри боқийми? Афсуски, йўқ... шундай бўлгач, бу нарсанинг сабабини ўзингизча топмоқчи бўласиз. Бунинг сабаби ижодкорнинг китобхон қалбини топа билгани, қаҳрамонлар портретини усталик билан бадий тасвирлай олганида ҳамда энг нозик торларини черта билганидир.

Бадий адабиётда инсон образини тўлақонли яратиш, уни ўқувчи кўз олдида конкрет жонлантириш учун хизмат қиладиган қатор воситалар мавжуд. Буларга муаллиф характеристикаси, портрет, бадий психологизм, персонаж нутқи каби бадий унсурлар киради. Образга бевосита ёзувчининг ўзи томонидан берилган таъриф «муаллиф характеристикаси» деб юритилади. Муаллиф характеристикасида образнинг феъл-атвориға хос асосий хусусиятлар баён қилинади.

Одатда муаллиф характеристикаси асарнинг бошланиш қисмларида ёхуд конкрет образ асарга кириб келган ўринларда берилади. Муаллиф характеристикаси ўқувчида персонаж ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиб, унинг кейинги хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини англашида муҳим аҳамият касб этади. Персонажнинг сўз билан чизилган ташқи қиёфаси – портрет ҳам инсон образини яратишда муҳим восита саналади. Портрет, аввало, персонажнинг ўқувчи кўз олдида конкрет инсон сифатида гавдаланишиға кўмаклашади. Иккинчи томондан, бадий асарда портрет характерологик белгиларға эға бўлади. Яъни, ёзувчи персонаж сийратига хос хусусиятларни суратида акс эттиришға интилади.

Ёзувчи персонаж қиёфасини анча муфассал чизиши (А.Қодирий яратган Кумуш, Раъно портретлари) ёки унинг қиёфасига хос айрим деталларни бериш билан кифояланиши ҳам мумкин. Чунки портрет —

³⁰ Қаҳрамонов А. «Маҳорат мактаби» Адабий танқид 1-сон, 2004, 9-бет.

восита, демак, унинг қандай бўлиши кўпроқ муаллиф нияти, ёзувчининг ўзига хос тасвир услуби, персонажнинг асарда тутган мавқеи кабилар билан боғлиқдир.

Биз одатда, бадиий асар қаҳрамонларини кўра олмаймиз. Бирок, уларга берилган таъриф-тасвирдан, яъни адиб томонидан қўлланилган портрет ёрдамида маълумот олишимиз, тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Бадиий асарнинг йиллар давомида яшовчанлиги, адибнинг маҳорати билан белгиланади. Айни бир нарсани, мавзуни бир неча киши ёзиши мумкин. Аммо, уларнинг ҳар бири уни ўзига хос тарзда ифода этади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар ҳақида сўз юритганда «қаҳҳорона», «чўлпонона» атамалари ишлатилади. Чўлпон ўз қаҳрамонларининг қиёфасини очишда, уларга хос хусусиятларни кўрсатишда катта маҳорат кўрсатган.

Абдулла Қаҳҳорнинг портрет яратиш услуби тамоман ўзгача. У қаҳрамонларни қиёслаб тасвирлаш, оилавий ўхшаш белгиларни такрорлаш усулини кенг қўллайди. Абдулла Қаҳҳор ўз қаҳрамонлари портретини чизар экан, уларни нимагадир ёки кимгадир ўхшатиб яратади.

Бадиий асарнинг тили хусусида сўз юритиб, Абдулла Қодирий шундай ёзган эди: Сўз – қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин» Сўз орқали ёзувчи китобхонларга қандайдир янгиликни, фикрларни очиб беради ва кишиларни тушунишга, кўришга, хис этишга ўргатади. Ёзувчи илгари сурган, асарда ифода этилган ғоя тасвир воситалари орқали ҳам акс эттириб берилади³¹.

Масалан, «Кеча ва кундуз» романининг бошланишидаёқ Чўлпон Зебига бир турли, Раззоқ сўфига яна бир турли, Акбаралига эса бошқа бир турли муносабатда бўлади. Воқеалар ривожланиб боргани сари муаллифнинг уларга ҳиссий муносабатида ҳам маълум ўзгаришлар кузатилади. Айтайлик, адибнинг асар бошланишидаги Зебига нисбатан

³¹ Каримов О. Бадиий образнинг кўп маънолилиқ хусусияти.//Ўзбек тили ва адабиёти. 1990.-№3. 21-26 бетлар.

шайдолик тўла меҳри сусайиб боради, Раззоқ сўфига ёки Акбаралига нисбатан мазаҳли нафрат қисман ачинишга айланиб боради (адиб уларнинг тақдиридаги фожеликни кашф этади). Яъни, адибнинг ўзи характер моҳиятига киргани сари қаҳрамонларига нисбатан ҳиссий муносабатда ўзгариш юзага келади. Ҳиссий муносабатдаги ўзгариш ўқиш жараёнида китобхонга ҳам ўтади ва айти шу нарса унинг асар мазмунини адиб истаганидек тушунишига асос бўлиб хизмат қилади. Кўринадики, бадиий портретдаги рационал ва эмоционал жиҳатларнинг уйғунлиги асар бадиий концепциясини шакллантирилишида ҳам, ифодаланишида ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга экан.

2. Япон адабиётидаги портрет қўлланилган асарларнинг ўзига хосликлари

Маълумки, ҳар бир адиб ўзига хос услубда асар яратади ва ўзига хос тамойилда портрет чизади. Ҳозирги кунда япон адабиётига бўлган қизиқиш ортиб бораётган бир пайтда, япон адабиётшунослари ижоди ва улар томонидан яратилган асарларини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Япон адабиётида бир қанча адибларнинг таҳсинга сазовор асарларида бадиий жанрлар кенг ёритилган. Япон адибларининг портрет санъатини ривожланишига қўшган ҳиссаларини бир қатор асарлар орқали ифодалаш мумкин.

Жумладан, X аср охири – XI аср бошларида адиба Мурасаки Секибу (978–1016) яратган «Гендзимоногатари» («Шаҳзода Гендзи ҳақида қисса») асари Япония мумтоз адабиётининг чўққиси бўлди. Асарда ёритилган шаҳзода Гендзи қаҳрамонининг портрети яққол ифодаланганлиги сабабли уни ўқиган китобхон беихтиёр ўша замоннинг ахлоқи ҳақида, шаҳзода Гендзининг характер хусусияти, унинг феълининг қандайлиги, маънавий дунёси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, жамиятдаги мавқесини акс эттира олинганлини гувоҳи бўлиши мумкин ва унинг шу жиҳатлари орқали давр хусусияти, иқтисодий-сиёсий аҳвол ҳақида маълумот берилади.

Сейсон Маэда эса ўз асарларида реалистик портретни ўз имкониятларини янада чуқурлаштириб, инсон феълидаги бутун нозик ўзгаришларни тўлиқ очишга, унинг фалсафий-дунёвий ўй-хаёллари, тасаввур ва тахминларини акс эттиришга интилди.

XII–XVI асрларда ҳарбий эпопеялар яратилди, бадий кундаликлар кенг тарқалди, шеърият антологиялари тузилди. Уларда қўлланилган портрет санъати асосидаги асарларида адиблар замондошларнинг образларини яратиб, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдиришган. XIV–XV асрлар халқ ижодиёти ва Будда ривоятлари асосида бир пардали драмалар (ниқоб театрлари учун) ёзилди. Бу асарда ҳар бир қаҳрамоннинг сиймоси ёрқин ифодаб берилганлиги сабабли сахналаштиришда мураккабликларга учралмаган.

XVI асрдан бошлаб шаҳар адабиёти пайдо бўла бошлади. Ҳунармандлар, савдо аҳлига мансуб шоирларнинг тўпламлари тузилди ва улар орқали меҳнаткашларнинг ички дунёси кенг очиб берилди. XVII–XIX асрнинг 60-йилларида адабиётда демократик ғоялар авж олди. Демократик карашларнинг ортиб бориши инсонга чуқур муҳаббат билан суғорилган, нозик ҳис-туйғуларни англаш ва тасвирлашга қаратилган тўлақонли ҳамда ҳаракатга бой портретларни майдонга келтирди. Ёзувчилар ўзларининг асарларида инсон руҳида бўладиган ўзгаришларни ўз қиёфасида, қараш, юздаги мимик ўзгаришларда ифодалашга ҳаракат қилишди. XVIII асрга келиб япон адиблари ўз асарларида қўллаган портретда шахснинг ижтимоий мавқеи, жамиятдаги ўрни ҳаққоний акс эта бошлади.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида йирик драматург Такамацу Мондзаемон асарларида қаҳрамонларни ташқи ва ички кўринишидан тотиб, рухий кечинмаларини бадий портретини ёрқин ифодалашда самарали ижод қилди. Шунингдек, Мацуо Басё (XVII аср), Кобаяси Исса (XVII аср охири – XIX аср боши) шеъриятнинг хокку жанрида асарлар яратдилар. XVIII аср охири – XIX аср бошларида наср янада юксалди.

Япон шеърлятида ҳам бадий тасвирлаш орқали ижод маҳсулларини халққа тақдим қилишди. Симей Фтабатей (1864–1909) «Сузувчи булутлар»³² романи билан япон адабиётда танқидий реализмга асос солди. Рока Токутоми, Сосеки Нацуме ва бошқаларнинг асарларида ҳам танқидий реализм ғоялари ўз аксини топди. Танқидий реализм шу даврда ишланган бадий портрет санъатидаги асарларга таъсир этди. Миллий рух билан суғорилган, кўтаринки романтик мазмунда ишланган, кинояга бой асарлар адабиётда бадий портрет санъатини ва унинг ранг-баранглигини намоён қилди. XIX аср охири чорагида япон адиблари ўз асарларда бадий қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини табиат билан боғлай бошладилар.

XX аср япон адабиётини икки даврга: 1945 йилгача бўлган давр ва ундан кейинги даврга ажратиш мумкин. Урушдан олдинги даврни тугаб бораётган мумтоз адабиёт даври деб ҳам айтиш мумкин. XX асрнинг боши япон адабиётда кўплаб оқимлар пайдо бўлиши билан тавсифланади.

II жаҳон урушидан кейинги даврда бир қанча япон ёзувчилари ўз асарларида «барқарор қадриятларни» излаш мақсадида миллий адабиётнинг кўп асрлик анъаналарига мурожаат қилдилар. Дзюнъитиро Танидзакининг «Майда қор»³³ (1943–48), Ясунари Кавабатанинг «Мингта турна» (1951), «Эски пойтахт» (1961–62) романлари шу тоифадаги асарлар бўлиб, уларда кучли ички лиризм ва гўзалликнинг мумтоз талқини акс этган портрет асосида ёритилди.

Шу билан бирга 1967 йил Юкио Мисиманинг япон маданиятига хос бўлган жанговарлик анъаналарни тиклашга чорловчи трилогияси («Ватанпарвар», «Хризантема» ва «Шаҳид бўлган қаҳрамон овози») яратилди. Адабиётда сенгоха оқими қарор топгач, шу оқим вакиллари бўлган турли ғоявий-эстетик йўналишдаги ёзувчилар ўз ижодларида инсон шахсиятини қарор топтириш манфаатлари йўлида милитаризм ва анъанавийликни инкор этдилар.

³² 二葉亭四迷「浮雲」東京、新潮社、1987.

³³ 谷崎潤一郎『細雪』東京、星光、1985.

Ушбу оқим вакиллариининг уруш мавзуига оид асарларида ўша даврдаги жанговар вазиятлар, аскарларнинг мардонавор харбий юришларининг ҳар бир қирраси аниқ ва равшан ифодаланганлиги сабабли мутоала пайтида давр воқеаларини хис қилиш қийин кечмайди, жумладан, Сёхей Ооканинг «Даладаги оловлар» (1951), Хироси Номанинг «Бўшлиқ минтақаси» (1952), Шусаку Эндонинг «Денгиз ва заҳар» (1957) романлари яратилди.

Ёсие Хоттанинг «Ёлғизлик майдони» асарида (1951) урушдан кейинги япон зиёлилари ва уларнинг руҳий ҳолатларини яққол ифодаланган.

1950–60 йиллар япон адабиётининг машҳур намояндаларидан бири Ясуси Иноуэдир. Унинг «Темпёнинг черепицали томи» (1957) ва «Самарқандга саёҳат» (1969) тарихий асарлари Буюк ипак йўлида амалга оширилган маънавий мулоқот ва Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларига бағишланган. Бу асарларда портрет санъатининг қўлланганлиги асар жозибасини ошишига хизмат қилган.

1960–70 йилларда илмий фантастика ва детектив роман жанри ривожланди. Бундай асарларда бадий образлар шундай акс эттирилдики, уни ўқиган инсон беихтиёр асар тубига сингиб кетади. 1960–80 йиллар япон адабиёти реалистик ва модернистик ғояларнинг ўзаро ҳаракат ва курашларида ривожланди. XX асрнинг 10–20-йиллари охирида ёш неореалист ёзувчилар³⁴ (янги реализм вакиллари) гуруҳи япон адабиётида алоҳида ўрин эгаллади. Бу гуруҳ аъзолари адабиётда борлиқни аниқ акс эттириш, типологик таҳлил қилиш ва муаллиф нуқтаи назари бўртиб кўринишини талаб қилар эдилар. Неореалист ёзувчилар ижодида маҳорат ва мазмуннинг теранлиги биринчи ўринда туради. Неореализм адабиётнинг мадсади инсонпарварлик идеалларини улуғаш, инсонни камситувчи, унинг эркини чегараловчи ҳамма нарсани рад этишдан иборат.

³⁴ неореалист ёзувчилар – янги реализм вакиллари.

Япон адабиётида реализм куртаклари Футабатеи Симея ва Тсубуоти Сеё асарларида пайдо бўлди. Реализм бу – бадиий билиш, обектив борлиқни ҳаққоний тасвирлаш методи, ҳаёт шакллариининг обектив мазмунини ҳам, ранг-баранглигини ҳам ҳаққоний акс эттиришга интилиш. 1885 йилда адабиётшунос-англист Сеё Тсубуоти янги япон адабиётининг хусусиятини кўп жиҳатдан белгилаб берган «Роман моҳияти» деган трактатни эълон қилди. У ёзувчиларни кучли метафора ва ўткир фабулага интилиш билан тавсифланувчи анъанавий япон поетикаси принципларидан вос кечишга чақирди, Европа адабиётига хос сидзенсюги³⁵ («Қандай бўлса, шундай акс эттириш») деб номланган янги адабий методни таърифлаб берди. Бу метод ёзувчининг нигоҳи илғаган ҳамма нарсани аниқ акс эттириш, биринчи навбатда инсон туйғуларини ифодалашни назарда tutар эди.

Ёзувчи томонидан илғаб, хис қилинган вазият портрети бор ҳолича акс эттирилиши лозим эди. Амалда бу трактат Ғарбнинг ранг-баранг ва кўпинча бир-бирига зид адабий йўналишларнинг жўшқин оқимида сузаётган япон ёзувчиларига ташланган ўзига хос қутқариш чамбараги бўлди. Ғарб адабий анъанаси ўз тадрижий ривожланишнинг бир неча асри мобайнида эришган барча ютуқлар: романтизм, сентиментализм, реализм, натурализм, дастлбки модернистик тажрибалар Японияни бир нафасда қамраб олди.

«Сидзенсюги» адабий методи замирида япон адабиётида натурализм оқими вужудга келди. Орадан кўп ўтмай, ёзувчи Катай Таяма «аниқ» ва «бўяб-бежалмаган тасвир» тамойилларни илгари сурди. Бу тамойиллар мазмуни қуйидаги декларациядан иборат эди: «Биз санъатдан барча кўнгилочар унсурларни қувиб чиқарамиз; маҳорат билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани қувиб чиқарамиз; нимаики идеаллар билан боғлиқ бўлса, ҳаммасини қувиб чиқарамиз»³⁶.

³⁵ 「自然主義」 «сидзенсюги» – Қандай бўлса, шундай акс эттириш»

³⁶ Мори Огай – «Раккоса» романи муаллифи

Воқеликни қандай бўлса, шундай акс эттириш тамойили ўз-ўзидан ёзувчи фақат ўз ўйлари ва кечинмаларини ҳаққоний акс эттириши мумкин, деган фикрга олиб келди. Ёзувчиларга дардини тўкиб солиш таклиф қилинди. Шу тариқа эго беллетристика юзага келди ва журналлар ва китобларнинг саҳифаларини машҳур ёзувчи ва шоирларнинг дил изҳори акс эттирилган асарлар қоплади.

Бу даврда япон адабиётида натуралистик метод кенг тарқалди. Унинг ёрқин вакиллари Куникада Doppo ва Таяма Катайлар эди. Улар ўз асарларини ёритишда портрет санъатидан мохироналик билан фойдаландилар. Бироқ, шу билан бир вақтда, япон адабиётида натурализм ғояларига қарши бўлган нуқтаи назарни ҳимоя қилувчи ёзувчилар пайдо бўлди. Уларнинг орасида романист Мори Огай («Раққоса» романи муаллифи), Натсумеи Сосеки (1867–1916) бор эди. «Болакай», «Камтарин кулингиз мушук» ва бошқа романлар муаллифи бўлган Натсуме Сосеки бутун жаҳонда доврқ қозонди. Унинг исми афсонага айланди. Натсуме Сосеки япон адабиётида фаол ижод қилган ўн йиллик «Натсуме йиллари» деб аталади. Акутагава Рюноске бу ёзувчини ўз устози сифатида ардоқланган. Акутагава ўзининг қадимги ва ўрта асрлар сюжетларига мурожаат этиши сабабларини кўрсатар экан, қадимги материал олиш зарурати унда қадимги давр ҳақида сўз юритиш учун эмас, балки мавзунини катта бадиий куч билан ёритиш керак бўлганини қайд этади.

Акутагава Рюноске бу ҳақда сўз юритар экан, «Қадимги инсон қалби ва ҳозирги одам қалби кўп жиҳатдан бирдир»³⁷, деган эди. Бу сўзлар замирида ёзувчи ижодий методининг мазмун-моҳияти мужассамлашган.

Акутагава қадимги дунё кишилари портретидан ўз замондошларининг хатти-ҳаракатлари, фикр-мулоҳазалари, руҳияти, қилмишларига жавоб қидирди. Шунинг учун бўлса керак, унинг тарихий новеллаларида давр аломатлари умуман мавжуд эмас, қаҳрамонлар эса худди бизнинг орамызда яшаётгандек ҳаракат қилади. Новеллаларнинг

³⁷ «Синсите» журнали 1914 йил

афсоналардан олинган қаҳрамонлари афсонавий қаҳрамонлар билан бир эмас, аксинча, биз яшаётган ҳаёт билан узвий боғлиқдир. Акутагава ўзининг қадимги ва ўрта асрлар сюжетларига мурожаат этиши сабабларини кўрсатар экан, қадимги дарлардан материал олиш зарурати унда қадимги давр ҳақида сўз юритиш учун эмас, балки мавзунини катта бадиий куч билан ёритиш учун керак бўлганини қайд этади.

Ёзувчи ўз асарларида милитаризмни кучли танқид остига олди. Бу адабнинг нафақат «Уч дераза», «Момотаро» новеллалари, балки эсселари, хатлари, кўп сонли мақолаларида ҳам кузатилади. Акутагава ўз асарларида нафақат жамиятнинг айрим камчиликлари ва қусурларини намоиш этди. Бу ҳол унинг «Бир ховуч тупроқ», «Муҳаббат қиссаси», «Она» новеллаларидаги келтирилган портретларда бўртиб кўринади.

Ўз ижодининг дастлабки даврида Акутагава асосан маънавий – ахлоқий муоммолар билан қизиққан, ижтимоий–сиёсий масалалардан ўзини четга олишга ҳаракат қилган бўлса, 1921-1927 йилларга келиб унда ижтимоий адолатсизликка нисбатан муросасизлик, сиёсий муаммоларга қизиқиш пайдо бўлди. Унинг бундай позицияси «Бир социалист», «Тишли ғилдираклар», «Пигмей сўзлари» асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бироқ, Акутагава муҳим ижтимоий муаммоларга мурожаат этиб, инсоннинг маънавий дунёсини таҳлил қилишдан бутунлай воз кечди, деб айтиш ҳам тўғри бўлмайди. Акутагава илгари инсоннинг руҳияти, унинг ички дунёсига жамият ҳаёти шарт-шароитларидан қатъи назар, инсон табиатига хос нарсага деб қараган бўлса, адаб ижодининг сўнгги даврига мансуб новеллалар ўша йиллардаги япон жамиятига бағишланган.

Япон жамиятининг ижтимоий муаммолари қаттиқ танқид остига олинган ва ўзига хос сатирик бўёқларда тасвирланган «Сув алвастилари мамлакатада» Акутагаванинг ғоявий ва ижодий изланишлари маҳсули бўлиб, у адаб қўллаган бадиий образлар ва портретлар орқали халқга долзарб ижтимоий иллатларини фош қилувчи муҳим асар сифатида тақдим этилди.

Китобхон Акутгавани мутолаа қилиш жараёнида инсон машаққатлардан ўтиб, ўз елкасидан ёлғончилик, манманлик, маънавиятсизлик юкини улоқтириб ташлаган, ўзи яшайдиган жамиятнинг иккиюзламачилик ва бошқа иллатларига қаршилик кўрсатган ва унда ўз ўрнини топган, бироқ унинг ноғорасига ўйнамасдан ўзини қуршаган ёвузлик билан қарашни давом эттирган, яъни инсон ўзлигини англаган ҳолдагина у ғолиб чиқиши мумкин ва бу ғалаба ижтимоий муносабатларни қайта қуриш, ақлнинг зулмат устидан ғалабаси сари қадам ташлаган қаҳрамон портрети ифодаланишига гувоҳ бўлади.

Бундан ташқари адиблардан Гомикава Дзюмпей, Исикава Такузо, Кайко Такеши, Оэ Кензабуро ўз роман ва қиссаларида ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни яққол таҳлил қилиб, ижтимоий вазиятдан тортиб ўша давр ҳодисалари ва муаммоларни ўз асарларида образлаштириб қаҳрамонлар ва уларнинг руҳий кечинмаларини портретини акс эттира олдилар. Япония адабиётида Хиросима фожиаси мавзуси кенг ўрин олди (Ҳотта Ёшиё, Ибусе Масужи, Ода Макото).

II жаҳон урушидан кейин адиблар ижодидан ижтимоий муаммолар кенг ўрин олди; кўп асарлар Ҳирошима ва Нагасакидаги атом бомбасидан ҳалок бўлганлар фожиасига бағишланди. Хиросима фожиасининг оқибатлари замони ва замини, инсонлар тақдири, вазиятнинг нақадар мураккаб бўлганлини етарли тарзда бадиий портретини китобхон диққатига ҳавола қилиш мақсадида етарлича ифодалаб беришган. Кобо Абэ асарларида реализм ва фантастика уйғунлашган ҳолда фалсафий масалалар баён этилди. Япония адабиётнинг йирик вакиллари бўлган Рюноске Акутагава, Кобо Абэ, Ясунари Кавабата (1968 йил Нобел мукофоти соҳиби), Кендзабуро Ое (1994 йил Нобел мукофоти соҳиби) Мураками Ҳаруки, Б.Ёсимото каби ёзувчиларнинг асарларида ҳам бадиий портрет орқали қаҳрамонлар образлари ёрқин очиб берилганлиги билан жаҳонда машҳурдир.

I боб бўйича хулоса

Адабиёт таҳлилларидан кўриш мумкинки, портретнинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро фарқланади. Портретнинг динамик ва статик турлари таснифланган. Портретнинг динамик турида адиб асар қаҳрамонини, яъни персонажнинг ташқи қиёфаси сюжет воқеаси тўхтатилган ҳолда анча муфассал, деталлаштириб чизади. Динамик портрет эса муфассал тасвир эмас, балки воқеа ва диалоглар тасвирида, яъни ҳаракат давомида бериб бориловчи персонаж ташқи кўринишига хос айрим деталлар назарда тутилади.

Ижодкорнинг бадиий маҳорати, санъаткорлиги ўзи олға сураётган ғоясини ўқувчиларга етказа олиши билан белгиланади. Бунда асар қаҳрамонларининг ҳамда вазият ҳолатининг портретини шундай яратиш даркорки, уни ўқиган киши асар мазмунини мохиятан кенг идрок қила олсин, персонаж борасида аниқ тасаввурга эга бўлсин. Албатта бунда юқорида айтилганидек ёзувчининг асарни тўлақонли очиб беришда қўллаган сўз бойлигининг ўрни беқиёсдир.

Қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ва уни ўраб турган воқелик билан бирга одамнинг маънавий дунёсини ҳам, психологиясини ҳам ишонарли, таъсирли тарзда ёритиб бериш ижодкорлар олдида турган энг қийин, энг шарафли вазифалардан ҳисобланади. Инсон мавжуд ҳаёт ҳақидаги энг ҳаққоний тасаввурни ўз сезгилари воситаси билан илғайди. Ҳар бир инсон ўз фикрини, тушунчасини, билимини турфа хил ифодалайди. Бунинг натижасида ғайритабиий ўхшатувлар, жонлантирув, гўзал қиёслар вужудга келади. Ўз навбатида, сизда ҳам сўзлашувчининг иқтидоридан келиб чиқиб, шу нарса ҳақида фикр пайдо бўлади.

Одамда бошқаларнинг туйғусини чуқур хис қила билиш, юқтира билиш қобилияти бўлганлиги учун ҳам, – дейди Толстой. Бугун одамзод шу вақтгача бошдан кечирган ҳамма нарсани ҳар бир киши хис қила билиши мумкин. Одам бундан минг йил олдин ўтган кишиларнинг туйғуларини ҳам ҳис қила олиш ва ўз туйғуларини бошқаларга юқтира

олиш имкониятига эга бўлади. Қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар адиб ўз асарини моҳироналик билан китобхон қалбига етказа олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бадий асарда қаҳрамон образини тўла қонли бўлишида портретнинг роли, аҳамияти жуда муҳимдир.

Китобхон қалбига кириб бориш, унинг хотирасида муқим ўрнашиб қолиш ёзувчидан тасвирланмоқчи бўлган воқеа, ҳодисаларни таъсирчан қилиб тасвирлашни талаб қилади. Чунки китобхон танишган воқеа ҳодиса, қаҳрамонлар қанчалик ишонарли бўлса, қанчалик жонли қилиб тасвирланса, ёзувчининг илгари сураётган ғояси унга шунчалик кучли таъсир қилади.

Демак, портрет романларда қаҳрамон образини яратишга асос бўладиган омиллар орасида энг муҳимдир. Чунки ёзувчи ўтмиш мақсадлари бўлган қаҳрамони қиёфа кўринишини албатта гавдалантиради. Қаҳрамон портрети унинг суратини кўрсатиш учунгина эмас, балки руҳий дунёсидаги ҳолат, ўзгаришларни англаш, тушиниш учун ҳам зарур восита бўлади.

Бадий асарда қаҳрамон портретини яратишда ёзувчи ҳар қандай майда детални ҳам четда қолдириши керак эмас. Умуман, бадий асарда қаҳрамон образи анъаналарни юзага чиқишида портрет тасвири муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам портрет бадий асарнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

II БОБ. КОБО АБЭНИНГ ПОРТРЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Кобо Абэ (яп. 安部公房 *Абэ Ко:бо*), ҳақиқий исми — Абэ Кимифуса.

1924 йилнинг 7 мартда Токиода туғилган ва 1993 йилнинг 22 январда шу шаҳарда вафот этган. Машҳур япон ёзувчиси, драматурги ва сценаристи, урушдан кейинги япон санъатининг бошқарувчиларидан бири бўлган. Унинг ижодидаги асосий мавзу – замонавий дунёда инсоннинг айнан ўқшашлигини қидириш бўлган. Романларидан «Қумдаги хотин», «Яшик-одам», «Бегонанинг юзи» ва «Ёқиб юборилган харита» асосийларидан ҳисобланади.

Бўлажак ёзувчи болалик йилларини Манчжурияда ўтказган, ўша ерда 1940 йил мактабнинг ўрта даражасини тугатди. Японияга қайтганидан кейин ўрта маълумотни Сэйдзё (яп. 成城高等学校) мактабида тамомлади. 1943 йилда Токио императорлик университетининг тиббиёт факултетига кирди. 1948 йилда Абэ университетни тамомлади, бироқ тиббиётдан давлат имтихонини қониқарсиз топширди, натижада амалиётчи шифокор бўлиш имкониятидан маҳрум бўлди. 1947 йилда Абэ «Номсиз шеърлар». (яп. 無名詩集) поэтик жамланмасини ёзди. 1950 йилда эса Абэ Хироси Тэсигахара ва Синъити Сэгилар билан биргаликда «Аср» (яп. 世紀の会) асарини эълон қилди.

Кобо Абэнинг ижодида портрет санъати моҳироналик билан қўллаганлиги яққол кўзга ташланади. Унинг яратган асарларида инсон ва унинг руҳий ҳолати, ўша давр ҳолатининг портрети усталик билан чизилганки, уни ўқиган киши асар мазмунини ва воқеалар ривожини беихтиёр кўз олдида намоён қила олади.

Кобо Абэнинг маҳорати ҳақида баъзи олимлар ҳам фикр билдирганлар. Жумладан, машҳур рус филологи, шарқшунос олими Н.Т.Федоренко ёзувчи ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:

«Абэнинг ўзига хос бадиий тасаввурининг сири шундаки, ёзувчи ноёб шаклда гавдаланиш қобилиятига эга: у дам Ники Дзюмпэй («Кумдаги хотин» романи), дам никоб-одам («Бегонанинг юзи» романи), дам қочоқни излаётган агент («Ёқиб юборилган харита» романи) сифатида, дам яшик-одам («Яшик-одам» романи) сифатида намоён бўлади.

Муаллиф бадиий образларда сохта бўлмаган чаққонлик ва табиийлик билан йўғирилган иродани гавдалантиришнинг уддасидан чиқади. Бу албатта, муаллиф позицияси унинг қахрамонларини ғоявий интилишлари билан мос тушишини англатмайди. Персонажларни жонли ва тўлқонли қилиб гавдалантириш учун ижодкор уларнинг хис-туйғуларини бошидан кечириши, уларнинг ўй-хаёлларига кириб бориши ва атрофдигилар ҳамда ўзида чақириқ топиши лозим. Айнан шу туфайли ижодкор ҳикоя предметини ўз-ўзининг манзарасига айлантиради.

Кобо Абэнинг ўқувчилар орасидаги, жумладан бизнинг мамлакатда ҳам машҳурлиги шундаки, у нафақат юқори малакали ёзувчи, балки ўз романларида инсоният олдида турган жуда долзарб муаммоларни дадиллик ва катта жасорат билан кўтариб чиқади.

Унинг романларидаги асосий ғоя бу – инсоннинг юзамиятдаги жиддий салбий иллатлар билан кескин тўқнашуви ҳодисасидир ва у ҳолатларни бадиий қахрамонларнинг портретларини чизиш орқали, жуда жонли тарзда ифодалаб бера олган»³⁸.

Адабиётшуносликда «бадиий портрет» атамаси ҳам кенг, ҳам тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода «бадиий портрет» деганда борлиқнинг китобхон кўзи билан кўрилган ва ижодий қайта ишланган ҳар қандай акси (жониворлар, нарса-буюмлар, ҳодисалар, табиат портретлари) назарда тутилса, тор маънода бадиий асардаги инсон портрети тушунилади³⁹.

³⁸ «Кобо Абэ. Избранное» // Н.Т. Федоренко. Кобо Абэ. Впечатления и мысли (вступительная статья), – Москва, «Правда», 1988, стр. 4.

³⁹ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, «Шарк». 1995, 95-бет.

Жумладан, Кобо Абэнинг «Қумдаги Хотин» асарида ҳам инсон портрети нарсалар, табиат манзаралари орқали бадиий қаҳрамон Ники Дзюмпэйнинг руҳий ҳолати очиб берилган.

1. «Қумдаги хотин» романида Ники Дзюмпэй портрети ва у орқали инсон кечинмаларининг акс эттирилиши

Асар 1962 йилда ёзилган бўлиб, ундаги воқеалар 1955 – 1962 йиллар оралиғида содир бўлади. Бош қаҳрамон Ники Дзюмпэй 1955 йилнинг август ойида йўқолиб қолади. Таътилдан фойдаланиб, соҳилга бориб келмоқчи бўлади. Шу кетгани бўйича дом-дараксиз ғойиб бўлади. Полициянинг қидиришлари ҳам, газетадаги эълонлар ҳам бирон-бир натижа бермайди. Дастлабки ҳулосаларга кўра аёл кишини деб, уйдан кетиб қолган деган таҳминга келинади. Лекин, унинг хотини берган кўрсатмага кўра, Ники Дзюмпэй ўз коллекцияси учун ҳашорат йиққани кетгани маълум бўлгач, бу таҳмин бекор бўлади. Руҳий таҳлилга жуда ишқибоз бир ҳамкасабасининг фикрига кўра, кап-катта одамнинг ҳашоратлардан коллекция тузиши, ўша одамда руҳий нуқсон борлигини англатар экан.

Ёзувчи романни ёзиш жараёнида 1955-1962 йилларга оид кўплаб манба ва материаллар билан танишиб, ўша давр ҳаётини воқеаларини тафаккурдан ўтказади. Воқеаларни қайта ишлаб, яна жонли ҳаёт шаклида яратади. Адибнинг ушбу асарида портрет қўлланилган бир қанча эпизодлар мавжуд.

「それに、絵具箱のような木箱と、水筒を、十文字にかけた、一見登山家風の男が S 駅で下車したことを記憶していた駅員の証言によって、彼に同行者がなく、まったく一人だったことが確かめられ、その憶測も、根拠薄弱ということになってしまったのである」。

「ある八月の午後、大きな木箱と水筒を、肩から十文字にかけ、まるでこれから山登りでもするように、ズボンの裾を靴下のなかにたくしこんだ、ネズミ色のピケ帽の男が一人、S駅のプラットホームに降り立った」⁴⁰。

«Энг муҳими – станция хизматчиси, ўша куни S станциясида поезддан кийими альпинистларникига ўхшаган, елкасига рассомлар ишлатадиган тахта кути ва сувдон осиб олган бир эркак тушганини, у одамнинг ёлғиз эканлигини хотирлаган эди.

Август кунларидан бирида, тушдан сўнг S станциясининг платформасида кул ранг пикэ панама кийган одам пайдо бўлди. У елкасига каттакон тахта кути билан сувдон осган, худди тоққа чиқиб кетаётгандек шимининг почасини пайпоғига тиқиб олган»⁴¹.

Ушбу қисмда ҳам Ники Дзюмпэнинг устки либосининг портрети таърифланган. Таърифдан кўриниб турибдики, асар қаҳрамони ўз тадқиқоти учун мўлжалланган саёҳатга бир ўзи отланган бўлиб, бунинг натижасида Никининг ёлғизликни хуш кўрувчилар сарасига киритиш мумкин.

Адибнинг асарларида инсон тасвири, унинг ички руҳий ҳолатларини, ўй кечинмаларини, фожиа, аянчли, бахтли турмуш тарзини тасвирлаш биринчи ўринда турди. Бу даврда шахс концепцияси хийла чуқурлашиб, бойиб, инсон шахсига ҳар томонлама ёндашишга интилиш, унинг руҳий оламини кучли ва ожиз томонларини билан рўй-рост кўрастиш кучайди. Реалистик омилларнинг қайта қад рослаши, сўз санъатнинг ифода олами ранг-баранг кўринишида тус ола бошлашига услубий-шаклий изланишлар учун имконият туғдирди.

「«姓名、仁木順平。三十一歳。一メートル五十八、五十四キロ。髪はやや薄く、オールバック、油は使用せず。視力は右○・八、左一・〇。肌はやや浅黒く面長。眼と眼がよって

⁴⁰ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.117-118.

⁴¹ Кобо Абэ. «Кумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 6-7 бетлар.

いて、鼻は低い。角張った顎と、左耳の下のほくろが目立つ意外、ほかにこれといった特徴なし。血液型は AB。舌がもつれたような、まどろっこしい話しぶり。内向的で、頑固だが、人づきあいとはとくに悪いほうではない。服装はたぶん、昆虫採集用の仕事着。上に貼付した正面写真は二か月前に撮影のもの」⁴²。

«Фамилияси билан исми: Ники Дзюмпэй. Ёши: ўттиз бирда. Бўйи: бир метр-у эллик саккиз см. Оғирлиги: эллик тўрт кг. Сочи: сийрак, орқасига тараб қўйилган, бриолин ишлатмайди. Кўриш қуввати: ўнг кўзи – 0,8, чап кўзи – 1,0. Териси қора мағиз, белгилари: юзи чўзинчоқ. ғилайроқ. Бурни калта. Энгаги чор қирра, чап кулоғининг тагида каттагина холи бор, бошқа кўзга ташланадиган белгилари йўқ. Қон группаси: АВ. Сал дудукланиб, хирқираб гапиради. Сердиққат, ўжар, аммо одамлар билан муомала қилишни билмайди, деб бўлмайди. Кийими: афтидан, эғнида энтомологик ишлар вақтида кийиладиган либос бўлса керак. Юқоридаги ён томондан тушган сурати бундан икки ой муқаддам олинган»⁴³.

Муаллиф асар қаҳрамони бўлмиш Ники Дзюмпэйннинг нафақат ташқи кўринишидаги белгиларини, балки персонажнинг характер хусусиятларини ҳам таҳлил қилганлиги сабабли китобхон тафаккурида Ники ҳақида дастлабки маълумот ҳосил бўла олади, десак хато бўлмайди.

Асар қаҳрамони мураккаб, қалтис вазиятларни бошидан кечиради. Ана шундай оғир дақиқаларда у жуда кўп нарсалар тўғрисида ўйлайди, мураккаб руҳий ҳолатни бошидан кечиради. Ёзувчи роман қаҳрамони Ники Дзюмпэйнинг руҳий ҳолатини чизишда ташқи қиёфасига, яъни портретига ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Руҳиятига, ўй-кечинмаларига, кайфиятига мос тарзда қаҳрамоннинг ташқи кўринишини тасвирлайди.

⁴² 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.159.

⁴³ Кобо Абэ. «Кумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968, 53-бет.

Маълумки, адабий қаҳрамон образини гавдалантиришда портрет тасвири муҳим роль ўйнайди. Ушбу келтирилган парчадан ҳам билиш мумкинки, персонажнинг либосида оддийлик мавжуд бўлиб, деярли кўзга ташланадиган муҳим белгилари йўқ. Ники тажриба ўтказиш учун кетаётган манзил учун қулай кийимда бўлган. Ҳар бир бадиий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати, хатти-ҳаракати ўзига хос тарзда қаҳрамон ҳаракатига мос равишда ифодаланади.

Кобо Абэ Никини оддий турмуш ташвишлари ичида ҳаёт кечирувчи, оддий инсонга хос барча хусусиятлар билан тасвирлайди. Ўшанга мос тарзда ташқи қиёфасини кўринишини, портретини яратади. Унинг қалбидаги кечинма, туғён ҳам портретга мос тарзда чизилади.

Адиб асар давомида қишлоқ таърифини давом эттира туриб, бир варакайига Ники Дзюпэйнинг характерига ҳам белги бериб ўтган. Қишлоқдаги манзара, ноқулайликлар умуман тартибсизликлар бир текис турмушни ва тартибни ёқтирадиган Дзюмпэйга ёқмаётгани тасвирланган.

Кобо Абэ қишлоқ таърифини шундай усталик билан ёритганки, уни ўқиганда Ники бориб қолган қишлоқнинг манзараси яққол кўз олдимизга келади. Қишлоқнинг асосий қисми қумликдан иборат бўлиб, ривожланишдан ортда қолганлигини, хаттоки деҳқончилик учун ҳам ноқулай иқлим ва шароитдаги қишлоқ эканлигини адиб қишлоқни ёритишда келтириб ўтган. Шунга қарамай бундай манзара Никининг мақсадига тўсиқ бўлмаяпганлигини, бундан эса қаҳрамоннинг қатъиятли эканлигига ишора қилинмоқда.

Тасвирланган воқеликнинг моҳияти, ундаги воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ва улар қандай натижаларга олиб келишини тўлароқ англаш учун бу вазият Никининг ҳолати ёрдамида акс эттирилган. Бунинг учун табиат образидан ҳам фойдаланилган, унинг оғзи қумга тўлиб кетганлигадан қай ҳолатга тушганлиги портрети таҳлил қилинган. Қишлоқ бошқа маконларга умуман ўхшамас, ҳар бир қадам қумликлардану ҳамда

шамол олиб келаётган қумлар хосил қилган чуқурликлардан иборат бўлиб, бош қахрамон боши берк кўчага кириб қолгани ёритилган.

Кобо Абэнинг эътибор қаратиш лозим ҳисобланган бир услуби мавжуд бўлиб, бунда жой, табиат ва қишлоқ манзараларини акс эттириш ёрдамида бош қахрамоннинг ўша вазиятдаги рухий ҳолати очиб берилмоқда.

「風に吹きちらされ、携帯用ラジオのように、幅のない声だ。しかしアクセントははっきりしていて、別に聞きとりにくいほうではなかった」⁴⁴。

«Овозини ел учириб кетди, овози худди кўчирма приёмникдан чиқаётгандек ширасиз, ғўнғиллаб эшитилар эди, аммо сўзлари дона-дона, тушуниб олиш қийин эмас эди»⁴⁵.

Персонажнинг товушини ёритиш орқали ҳам макондаги мавжуд иқлим шароити келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин. Ўша вазиятдаги кечинмалар сабабли Никининг овози аниқ эшитилмасди.

Кобо Абэ асар давомида қишлоқнинг ташқи манзарасидан сўнг уй ичинининг образини келтириб ўтган. Бу ҳолат қитобхонни ўша муҳитни янада чуқурроқ ҳис қила олишига ёрдам беради.

Кобо Абэ асарларида инсоннинг ички ва ташқи дунёси ғоятда кенг тасвирланади. Ёзувчи портрет санъатини қўллашда персонажнинг ички дунёсини, унинг ўй-хаёлларини, рухий ҳолатини ва ўша вазият ҳамда макон портретини усталик билан аниқ ва равшан ёритиб бера олганлиги сабабли ҳам унинг асарларининг таъсирчанлик даражаси ортган.

У асар қахрамонининг ташқи кўриниши билан биргаликда унинг феъл-атворини ифодалаш асосида қитобхон онгида Ники Дзюмпэй хақида тасаввур хосил қилишга уринган.

「眼を細めて、融けたガラスのようなかげろうの被膜の下で、波うっている砂の壁を目測した。見るたびに高くなっていくようでもある。だが、自然にさからって、ゆるやかな傾

⁴⁴ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.125.

⁴⁵ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 15-бет.

斜を急にしようというのならともかく、急なものを、ただなだらかにしてやろうというだけだ。別に尻込みすることもないだろう」⁴⁶。

«У кўзларини сузиб, худди эриган ойнани эслатувчи юпка тўр коплагандек нақшиндор кум деворнинг баландлигини чамалаб кўрди. Унга нечоғлик тикилгани сари шу қадар баланд кўринар эди. Табиатнинг раъйига қарши бориб, қия ёнбағирни тикка қилиш қийин албатта, лекин у тик ёнбағирни қия ёнбағирга айлантирмоқчи холос, вассалом. Ниятидан қайтишига арзийдиган баҳоналар йўқ ҳисоб»⁴⁷.

Ушбу манзара портретида Никини қийин аҳволга тушиб қолганлини, лекин шунга қарамай хали-хануз қочиш мақсадидан воз кеча олмаётганлигини тушуниш мумкин. «Кўзларини сузиб» деб, келтирилган портретдан Никининг жарлик каби чуқурликдак тепага қараётганлиги таърифи келтирилган.

Кобо Абэ «Қумдаги хотин» романи орқали ўша давр турмуш тарзини файласуфона ёритиб берган. Ёз фаслини ва инсон ҳолати портретини шундай чизганки, бу портрети орқали вазиятни барча учун тушунарли бўла олишини таъминлай олган. Қишлоқ аҳолисининг ва уларнинг яшаш тарзи китобхон учун тушунарли бўлишида адиб қўллаган портретлар ас қотади.

Асарда қишлоқдаги шароитларни таҳлил қилиш ёрдамида қишлоқдаги қийин вазият, бунга кўникиб қолган қишлоқ аҳолисининг ҳолати келтирилган. Кишиларни ҳеч қандай қулайликларга эга бўлмаса ҳам яшаётгани, қишлоқлари учун жон куйдириб, хориб-толиб Ватан учун меҳнат қилишлари ўша муҳитга мос равишда тасвирланади.

Никининг ўзи учун мутлақо бегона бўлган жойдан, ноқулай шароитли макондан қочишга уринишидаги ҳолатини майда деталларигача тасвирланганлиги сабабли ўқувчини кўз олдида қахрамон

⁴⁶ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.153.

⁴⁷ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 46-47 бетлар.

тушиб қолган вазият беихтиёр кўз олдига келтира олади. Ёзувчи китобхоннинг кўз ўнгида ўша давр руҳиятини кўрсата олган. Бунинг учун адиб эътиборни қишлоқ пейзажига ҳам қаратиб, уни қиёфасини чизишда ҳар бир деталга диққат қилганлиги кўриниб турибди. Романдаги бундай образлар маълум бир давр фуқораларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, руҳияти ҳақида маълумот беради. Бадиий асарнинг мантиқий ишонарли бўлишида бундай деталларнинг портретини келтириш муҳим аҳамият касб этади.

「十月—

日中はまだ、未練がましい夏の足踏みが、裸足では五分と辛抱できないほど砂を焦がしていても、陽が沈めば、隙間だらけの部屋の壁が、さすがに肌寒く感じられ、湿ったいろりの灰を乾す仕事を、いやおうなしにせかされたりする。その気温の変化で、風のない朝夕など、霧が、にごった川のようになった」⁴⁸。

«Октябрь.

Ҳамон кетгиси келмаётган ёз кун бўйи қумни шу қадар қиздириб юборган эдики, оёқ кийимсиз унда беш минутча ҳам туриш мумкин эмас эди. Аммо, қуёш ботди дегунча деворларнинг тирқишларидан ғўриллаб намхуш совуқ кирар, ўчоққа ўт қалашдан олдин нам тортиб қолган кулни қуритишга тўғри келарди. Шамол бўлмаган кунлари ҳароратнинг кескин ўзгаришидан эрталаб ва кечқурунлари бўтана сувни эслатувчи туман тушарди»⁴⁹ .

Баён этилгандек ҳодисаларнинг бадиий тахлили китобхоннинг кўз ўнгида тирилтиришига ёрдам беради, роман, қаҳрамонлари ва воқеаларни алоқадорлигининг ички бутунлигини таъминлашга ёрдам беради. Томоғидан ғувиллаб кираётган шамолнинг Ники учун туғдираётган

⁴⁸ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.232.

⁴⁹ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 135-бет.

кийинчиликлар, унинг бу макондан қочишга қилаётган уринишларини чиппакка чиқараётганлигини илғаш мумкин.

Романда фаслларни ёритишда сўз санъатидан кенг қўлланилганлиги сабабли куз келгандаги манзара жуда кенг тушунарли тарзда намоён қилинган. Келтирилган пейзажда қишлоқ манзарасига янада кенг эътибор қаратилади.

Маълумки, пейзаж – французча сўз бўлиб, мамлакат, жой сўзларидан олингандир. «Бадий асарда акс эттирилган жой, табиат тасвири бўлиб, у ёзувчининг методи ва услуби билан боғлиқ ҳолда турлича вазифаларни ўтайди»⁵⁰. Тасвириш адабиётдаги табиат манзаралари пейзаж, деб юритилади. У адабий асарда муайян ғоявий-композицион вазифани бажаради. Ёзувчилар пейзаж ёрдамида характерларни ҳаракатда, доимий ўзгаришда кўрсатадилар⁵¹.

Айрим асарлардаги табиат тасвирлари персонажлар қалбини очишда восита бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги тасвири, унинг ички дунёсини тушунишга ва ана шу сабабли сюжетда воқеаларни тез ва тўғри англашга тайёрлайди. Табиатнинг гўзал ва чиройли тасвири киши кайфиятини бир оз кўтарса-да, лекин руҳиятидаги ўй-кечинмалар, қаҳрамоннинг мушкул вазиятга тушиб қолганлиги, унинг номаълум бўлиб қолаётган тақдири, кетма-кет юз бераётган синоатлару ҳамда дилхираликлар беихтиёр ранжишга сабаб бўлиб, персонажнинг тақдири ўйга толдиради. Ёзувчи китобхонни роман қаҳрамонининг ўй-кечинмалари шерик қилган.

「とつぜん、狂ったように、叫びだす。なんと言えがいいのか分らないので、意味のある言葉にはならない。ただ、声をかぎりに、ありったけの力でわめくのだ。そうすればその悪夢がおどろいて目をさまし、思わぬ失態をわびながら、彼を砂の底から、はじき出してくれるとでもいうように。だが、出しつけない声は、いかにもかぼそく、弱々しかった。おま

⁵⁰ Хотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1983, 23-бет.

⁵¹ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, «Шарқ», 2008. 99-бет.

けに、途中で砂に吸われ、風に吹きちらされて、どこまでとどくものやらも心もとない」⁵²。

«Туйкусдан эркак ақлдан озган кишидек бақира бошлади. У қандайдир маъносиз сўзларни айтиб қичқирди. Ўз аламини ифодалаш учун сўз топа олмай жон-жаҳди билан бўқирарди. Бу гўё даҳшатли бир тушу, қичқирсам, ғоятда қўпол ҳазили учун кечирим сўраб, мени тарк этади-да, чуқурликдан юқорига улоқтиради, деб ўйларди у. Аммо, қичқириб ўрганмаган овози ингичка ва заиф эди. Қолаверса, овозини қум ютиб, шамол сусайтирар, узоқларга эшитилиши маҳол эди»⁵³.

Жазавага тушиб қолган Никининг аянчли ахволи, уни янада кучсизлантириб қўяётган қумлардан иборат макон вазиятни мураккаблаштирмоқда. Бундай шароит, бундай ноодатий қишлоқ ва хийла билан ташлаб кетилганлиги гўё қамоққа маҳкум қилиниш билан тенг эди. Шу сабабли ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тушкунлик гирдобига шўнғимоқдалигини ифодаланган. Адиб Никининг образини яратишда уни идеаллаштиришдан қочади. Аксинча уни энг оддий турмуш ташвишлари ичида ҳаёт кечирувчи, оддий инсонга хос барча хусусиятлар билан тасвирлайди. Ўшанга мос тарзда ташқи қиёфасини кўринишини, портретини яратади. Унинг қалбидаги кечинма, туғён ҳам портретга мос тарзда чизилади. Романда бош қаҳрамоннинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари кирраларини кўрсатиш учун оддий халқ вакиларининг образлари ҳам ёзувчининг ғоявий-бадий ниятига мос тарзда киритилади. Улар ўша давр фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ахволи руҳияти ҳақида маълумот беради, бадий асарнинг тарихан ишонарли, ўқимишли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Демак, бадий асарда ёрдамчи персонажларни марказий образ қилиб олиш билан бирга, асосий диққат халқнинг ҳол-ахволини кўрсатишга, унинг ўз инсоний ҳуқуқларини орзу-умидлари йўлида курашишини, ватани учун жон қуйдиришларини ҳаққоний

⁵² 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.143.

⁵³ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968, 35-бет.

кўрсатишга қаратилиши лозим. Албатта, ёзувчи бундай ҳолларда бадий тўқимадан кенг фойдаланади. Унинг учун бу ҳолатда тўқима ва фантазия учун катта имкониятлар очилади. Санъактор тўқима образларини ва фантазияни шу даражада ҳаётӣ, ҳаққонӣ, табиӣ қилиб яратадики, натижада китобхон шу образнинг айнан ҳаётда бор деб ўйлайди ва унга ишонч кўзи билан қарайди.

「女に背をむけ、落ち込みようにあがり、がまちに腰をおろして、頭をかかえこんだ。声に出さずに、うめきはじめる。たまった唾を、飲込もうとして、喉にこばまれ、うろたえる。喉の粘膜は、とくべつ砂の味と臭いに敏感らしく、いつまでたっても慣れてくれないのだ。唾は、泡だらけの褐色のかたまりになって、唇の端からふきだしてきた。唾をはいてしまうと、砂のざらつきが、よけいひどく感じられる。砂をはきだそうとして、舌の先で、唇の裏をなめまわし、唾を吐き続けるのだが、きりが無い。しまい、口の中がからからになって、炎症でもおこしたように、ひりついた」⁵⁴。

«Эркак хотинга орқасини ўгириб, ерга чўзилди-да, бошини қўллари билан чангаллаганча оҳисга ингради. Сув очиб кетган оғзидаги сўлакни ютмоқчи эди, ютолмади – томоғига тиқилиб қолди. Шиллиқ пардалари кум ҳидини жуда тез сезадиган бўлиб қолган шекилли, бу ерга келганига анча бўлиб қолган бўлса ҳам сира кўниколмаяпти, Сўлаги оғзининг четларида кўнғир, қуйқа кўпик бўлиб йиғилиб қолибди. Сўлагини тупуриб ташларкан, оғзида қолган кумнинг ғўддагини яна ҳам кучлироқ сеза бошлади. У лабларининг икки томонларини тилининг учи билан ялаб, тупуриб ташламоқчи бўлган эди, иложи бўлмади. Қайтага оғзи қуриб, ҳамма ёғи яллиғланиб кетгандек ачиша бошлади»⁵⁵.

Ушбу парчада романнинг адабий қаҳрамони Ники Дзюмпэйннинг психологик ҳолати, изтироблар, талвасалар гирдобиди азоб чакаётган

⁵⁴ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.144.

⁵⁵ Кобо Абэ. «Кумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968, 36-бет.

қалбидаги рухий кечинма портрет тасвирига мос тарзда ифода этилади. Қахрамоннинг рухий дунёсидаги ҳолат, ўзгаришларни англаш, тушуниш учун адиб келтирган портретларнинг роли нихоятда муҳим. «Қумдаги хотин» романдаги қахрамон бўлмиш Никининг қалбида кескин туғёнлар кечади. Ана шу ҳолатга мос портрет тасвирланади. Қахрамон қалбидаги туғёнлар, ўз ички кечинмалари билан баҳси ўзига хос бўлиб, унинг характери қалбидаги баҳси, туғёни орқали тўлароқ намоён бўлади. Бу инсон тасвири, портрети, ташки қиёфаси, кўриниши чизилмасиларни қўллаш орқали воқеалар ривожини акс эттирилиб, ўқувчи эътиборига ҳавола қилинади.

Муаллиф Ники Дзюмпэйни гоҳ ожиз банда, гоҳ кўнгли бўш одам сифатида тасвирлайди ва бу тасвирга мос тарзда портретини чизади. Роман воқеаларида иштирок этган ҳар бир адабий қахрамон давр, замон, вазият ва муҳит билан боғлиқ тарзда ҳаракат қилади, унга мос портрети тасвирланади. Оддий турмуш ташвишлари ичида, инсонга хос барча фазилатларни, заифлиги, қудратликларини ўзида мужассам этган шахслар тақдири ёзувчи томонидан юксак маҳорат билан яратилади. Етакчи қахрамонлар тасвиридаги ҳаётийлик ва ҳаққонийлик роман ғоявий-бадий функциясининг асосидир.

「…つかの間の寝汗で、シャツはもちろん、ズボンの膝の内側までが、ぐしょぐしょに濡れていた。その汗に、ひざりついた砂は、色も感触も、しめった麦落雁にそっくりだ。顔に被いを忘れたせいで、鼻も口も、冬の水田みたいに、干上がってしまっている」⁵⁶。

«Кўйлаги, шимининг тиззалари дарров жикқа ҳўл бўлибди. Терига қоришиб ёпишиб қолган қум ранги билан ҳам, пайпаслаб кўрганда ҳам хомсиз нонни-эслатади. Юзига бир нарса ёпишни унутган экан, димоғи ҳам, оғзи ҳам худди қишдаги шолипоёга ўхшаб қақраб қолибди»⁵⁷.

Ёзувчи Никининг ирода йўналишини очишга ҳам алоҳида аҳамият

⁵⁶ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.182.

⁵⁷ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968, 80-бет.

берган: конкрет ижтимоий муҳит таъсирида вужудга келган ўз-ўзини англаш хусусияти ва шу хусусият натижасида унинг онгида юз берган олға интилишлар асар қахрамони бўлмиш Ники Дзюмпэйнинг характерини белгилайди. Унинг портрети романда мукаммал тасвирланган образлар сарасига киради. Романдаги бу икки образ аниқ ирода йўналиши ва ўзларининг индивидуал хусусиятлари билан кескин ажралиб туради.. Аниқроқ айтганда, характер хусусияти, моҳияти бевосита хатти-ҳаракатда, қиёфа, ташқи кўриниш, балки ҳосил бўлган вазият, атрофдагиларнинг у ҳақдаги фикри ва тасавури орқали очилади.

「女も全身、砂一色に塗りかためられ、熱病にかかったように、乾いた音をたてて、ふるえていた。女の苦痛が電線でつないだように、そのままこちらに伝わってくる。やかんのビニールをはいで、まず自分が、かじりつく。最初の半口で、口をすすいでみたが、とても一度や二度で、すすぎ切れるものではない。吐き出したものは、ほとんどが砂のかたまりだった。しかし、あとは、かまわず、そのまま水と一緒に胃のなかに流しこむ。まるで岩石を飲んでいるようなものだった」⁵⁸。

«Бошдан-оёқ қум босган хотин худди безгак тутаетгандек қалтирарди. Унинг изтироблари худди симдан етиб келгандек эркакка ҳам ўтди. У челақчанинг устидаги полиэтиленни олиб, аввал ўзи жони жаҳди билан ёпишди. Оғзини чайқаш учун озгина ҳўплади, аммо бир марта, ҳатто икки марта чайқаса ҳам кифоя килмади. Яккаш қум тупурарди. Сўнгра қўл силтади-да, қолган-қутганини сув билан ютиб юборди. Бу худди тош ютиш билан баробар бўлди. Ичган суви шу ондаёқ тер бўлиб қалқди. Яллиғлаган эти-кураклари билан бутун орқаси, ўмрови билан кўкраги, ёнбоши билан биқинларигача – худди терисини қаватма-қават шилиб олаётгандек ачишарди»⁵⁹.

Кобо Абэ асар қахрамонини ташқи қиёфаси билан ички кечинмасини

⁵⁸ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.182-183.

⁵⁹ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти.1968, 81-бет.

муштарак ҳолда кўрсатади. Табиат манзарасини қаҳрамон руҳиятига, ташқи қиёфасига, кўришига, хатти-ҳаракатларига қилиқларига мос тарзда яратади. Бош қаҳрамонларни идеаллаштирмасдан типик шароитда, ҳаққоний, реалистик тасвирлар экан, тарихий фактларга ҳолис ёндашиб, тарихий шахслар образини даврийлик ва миллий нуқтаи назаридан яратади. Умуман, ёзувчи романда қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатларини, портретининг анча батафсил таърифлайди. Унинг ички дунёсини, қалб драмаларни намоён этишда бадиий маҳорат билан ишлайди.

Кобо Абэ ўз асарида портрет орқали фақатгина қаҳрамоннинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, унинг ички, маънавий қиёфаси, феъл-атвори ҳақида ҳам маълум тасаввур беради. Ҳаётда кўпинча кишининг қиёфа, кўриниши унинг феъл-атворини билдириб тургани сингари, бадиий асар қаҳрамонлари портретлари ҳам уларнинг ички қиёфасига мослаб тасвирланади. Тасвирланган воқеликнинг моҳиятини, ундаги воқеа-ҳодисаларнинг сабабларини ва улар қандай натижаларга олиб келишини тўлароқ англаш учун унинг макон ва замондаги ўтмиши ҳамда кейинги тақдирига ҳам назар ташлаш зарур.

Адиб қайси мавзуда ижод қилмасин, қайси давр муҳитини ёритмасин, барчасида бадиий асардаги қаҳрамонлар характерини ишонарли, табиий, жонли тарзда яратишни моҳироналик билан уддалай олиши даркорки, бу уринишлари асардаги марказий қаҳрамонларни характер қирраларини, руҳий манзарасини очишга хизмат қилиши лозим. Ёзувчи асардаги қаҳрамонларнинг барчасини адабий қаҳрамон қилиб гавдалантирар экан, уларнинг ташқи қиёфасига, кўриниш, хатти-ҳаракатларига, кийинишига, ёшига, соқол-мўйловлари-ю, бўйи-бастигача бўлган портретини тасвирлайди. Персонажларнинг характер хусусиятларига ҳам кенг тўхталиб ўтган.

Маълумки, бадиий асарда мукаммал тасвирланган образларигина характер даражасига кўтарила олади. «Характер-бу аниқ ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб

турадиган образ». Шу маънода ҳар қандай характер ҳам адабий тип бўла олмаслигини мумкин. Характернинг энг мукамал шаклигина адабий тип даражасига кўтарилган бўлади.

«Тип (юн. *typos* – из, нусха, тамға, намуна, образ) – аниқ ирода йўналиши, индивидуал рухий хусусиятлари билан маълум бир синф ёхуд гуруҳнинг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирган шахслар образи»⁶⁰. Демак адабий тип-муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир синфи ёхуд бутун бир тоифага мансуб бўлган кишиларнинг типик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мукамал бадиий образдир. Шунингдек, маълум бир синфга мансуб бўлган ижтимоий гуруҳнинг, халқнинг миллатнинг муайян даврдаги характерли хусусиятлари, белгилари ифодаланади.

「ほとんど、意志をもたない、自己運動だ。卵の白身の味がする、口いっぱい、あぶくだらけの唾……顎に流れ、胸にしたたっても、気にしない」⁶¹.

«Ихтиёрсиз, қарийб автоматик ҳаракатлар. Эркакнинг оғзи хом тухумнинг оқини эслатувчи сўлакка тўлди... Сўлаги энгакидан шириллаб тушиб, кўкрагига томмоқда, бироқ у бунга эътибор ҳам бермайди»⁶².

Қаҳрамон дунёқарашидаги инсонийлик, одамийлик ва адолатсизликка хос хусусиятлар ҳар бир фаолиятида сезилиб туради. Адолат, ҳақиқат, уларнинг тантаси учун кураш Никининг асл мақсадларидандир. Роман воқеларида иштирок этган ҳар бир адабий қаҳрамон давр, замон, вазият ва муҳит билан боғлиқ тарзда ҳаракат қилади ўша мос портрети тасвирланади. Оддий турмуш ташвишлари ичида, инсонга хос барча фазилатларни, заифлиги, қудратликларини ўзида мужассам этган шахслар тақдири ёзувчи томонидан юксак маҳорат билан яратилади. Етакчи қаҳрамонлар тасвиридаги ҳаётийлик ва ҳаққонийлик роман ғоявий-бадиий функциясининг асосидир. Ҳар бир адибнинг муҳит

⁶⁰ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Тошкент, «Ўзадабийнашр», 1962. 16-бет.

⁶¹ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.202.

⁶² Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 100-бет.

хусусияти бадиий асардаги қаҳрамонлар характери ишонарли, табиий, жонли тарзда яратишдан иборатдир. Ижтимоий муҳит таъсирида вужудга келган ў-ўзини англаш хусусияти ва шу хусусият натижасида унинг онгида юз берган олға интилишлар, исёнкор характери ҳосил қилади. Шунингдек, персонажларни характер хусусиятларини ёритишда ўша даврнинг, шўа қишлоқнинг одамларининг ҳаётини, турмуш тарзини, ички дунёсини, урф-одатини, руҳиятини, маҳорат фаолиятини пухта ўрганиш асосида уларнинг энг муҳим белгиларни, типик хусусиятларини саралаб олади, умумлаштиради, синтезлаштиради, бадиий бир бутунликка йиғиб, конкрет акс эттиришда, асар қаҳрамонларининг образини яратишда, унинг портретини тасвирлашда типиклик муҳим роль ўйнайди. Тасвирланган воқеликнинг моҳиятини, ундаги воқеа-ҳодисаларнинг сабабларини ва улар қандай натижаларга олиб келишини тўлароқ англаш учун унинг макон ва замондаги ўтмиши ҳамда кейинги тақдирига ҳам назар ташлаш зарур.

2. «Қумдаги хотин» романида аёл образининг портрети

Кобо Абэ ўз асарини бадиий таҳлил этар экан, ўша давр кишиларининг ўй-кечинмалари, ички, руҳий дунёси, фикр мулоҳазалари ва орзу интилишларини кўрсатиб беради. Романнинг бош қаҳрамонлар характери, ички дунёси, қудрати, ожизлиги, мардлиги, жасурлиги, рост сўзлиги каби хусусиятлар портретда ўз ифодасини топади. Романда қарашлари ранг-баранг бўган, турлича табиатли шахсларни ички дунёсига мос портрет яратади. Бу эса, ўқувчини роман сюжети, воқеаларини тез ва тўғри тушунишга тайёрлайди. Шиддатли ва кескин асносида роман қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракатлари, кийиниши, ўзини тута билиши ўша кайфиятга мос тарзда тасвирланади.

「それより婆さんなどというから、よほどの年寄りかと思っていたのが、ランプを捧げて迎えてくれた女は、まだ三十前後の、いかにも人が好さそうな小柄の女だったし、化粧をしているのかもしれないが、浜の女にしては、珍しく色白だった。それに、いそいそとよろ

こびを、かくしきれないといった歓迎ぶりが、まずなによりも有難く思われた」⁶³。

«Уни фонар билан кутиб олган хотинни кампир деб аташган, у ҳам кекса бир хотинни кўраман, деб ўйлаган эди, аёл эса ёш ўттизларга борган, ўрта бўйли, ёқимтойгина жувон экан. Хотин упа қўйса керак унинг юзи денгиз бўйида яшайдиган аёлларнинг юзларига нисбатан оқ эди. Умуман хушнудлик билан, самимий кутиб олгани учун хотиндан миннатдор эди».⁶⁴

Асарнинг 2-бош қаҳрамони ҳисобланмиш аёл образига ҳам алоҳида урғу берилган. Адиб таъриф орқали Никида аёл борасида дастлабки таассурот ҳосил қилишга уринганлиги яққол кўзга ташланади.

Кобо Абэ романда шахсининг образини яратишда, унинг мураккаб, зиддиятли, оғир вазиятлардаги рухий изтиробларини очишда портрет тасвиридан маҳорат билан фойдаланган. Адиб асар воқеалар ривожини шундай тасвирлаганки, романни ўқиётганда унинг кулминацион чўққисига бир неча маротаба бориб қолинади. Адиб томонидан персонажларнинг диалоглари, уларнинг ўйларида кечаётган фикрлари, боши берк қишлоққа тушиб қолган Ники Дзюмпэнининг танг ҳолати, аёлнинг хатти-ҳаракатлари, ўз талқинича фикр юритишларининг барча-барчасининг портрет кўриниши талқин қилиниб, очиб берила олганидан асарни ўқиган инсоннинг кўз ўнгида қаҳрамонларнинг қиёфаси беихтиёр жонли тарзда гавдаланади.

「困ったように笑うと、左の頬にえくぼが浮かんだ。目つきをべつにすれば、なかなか愛嬌のある顔だと思う。しかしその目つきも、おそらく眼病のせいだろう。赤くただれた眼のふちだけは、いくら化粧してもかくせない」⁶⁵。

«Хотин гуноҳкорона жилмайди, чап юзида кулгич пайдо бўлди. Агар кўзига эътибор берилмаса, юзи жуда кўхлик экан, деб ўйлади эркак. Балки,

⁶³ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.128.

⁶⁴ Кобо Абэ. «Кумдаги хотин» //Рус тилидан Вахоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 18-бет.

⁶⁵ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.128.

бундай боқиши кўзларининг оғриғидандир. Яллиғлаган мижжаларини хатто у па ҳам яширолмабди»⁶⁶.

Ёзувчи аёлнинг ташқи киёфаси портретини тасвирлаш жараёнида сирлиликка эътибор берган, аёлнинг ташқи кўриниши ёрдамида асл ҳақиқатни бекитаётганлигини сезиш мумкин. Ушбу романнинг икки қаҳрамони ўртасида кечган ўзаро суҳбатда, уларнинг кайфиятига мос тарзда ташқи киёфа, кўриниш, хатти-ҳаракат тасвирланган. Уларнинг гаплашиш оҳанги, мулоимлик билан аёлнинг эркакка мулозамат қилишлари, ўзига хос қилиқлари, ҳаракатлари ва турлича рухий ҳолатлари, муносабатлари, юзларидаги ўзгаришлар ишонарли, табиий тасвирланган. Умуман, ёзувчи романда қаҳрамонларнинг ташқи киёфаси, хатти-ҳаракатларини, портретининг анча батафсил таъриф-тавсиф этади. Уларнинг ички дунёсини, қалб драмаларни намоён этишда бадиий маҳорат билан ишлайди.

「…顔は一面むらだらけで、砂に包まれた体と比べると、不気味なくらい、生々しかった。昨夜ランプの光でいやに色白に見えたのは、やはり化粧のせいだったらしい。その白いものがぼろぼろになって、はげかけている。そのはげかたはちょうど卵を使っていない安物のカツレツの感じで、案外その白いものは、本物の小麦粉だったのかもしれない」⁶⁷。

«Юзи доғ қоплаган, дағал, хунук, қум босган танасига сира ўхшамасди. Эркакни чироқ ёруғида маҳлиё қилиб қўйган оппоқ юзи муқаррар у па билан оқартирилган экан. Ҳозир баъзи жойларидаги у па кетиб, парча-парча доғлари кўриниб қолган эди. Эркакнинг ёдига тухумсиз пиширилган жўн котлет тушди, уларда буғдой ун гардлари хол-хол бўлиб туради»⁶⁸.

⁶⁶ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 19-бет.

⁶⁷ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.142.

⁶⁸ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 34-бет.

Дастлабки таассуротнинг навбатдаги тасаввур билан солиштириш... Гўё воқеалар ривожидир, яъни ҳақиқат бекитилгани билан вақт ўтиб Никига маълум бўлади. Аёл портрети бу ерда бадиий ўхшатишлар ёрдамида ифодаланган. Аёлнинг ташқи кўриниши дастлабки таассуротдан анча йироқлиги акс эттирилди. Асарнинг яна бир қаҳрамони аёлнинг ҳолатини ҳам эркакнинг ҳолатини ёритишда қўллаган усулидан фойдаланган, яъни аёлнинг портретини ёритишда иқлим ҳавосининг ноодатий кўриниши акс эттирилган.

У бу асарида инсон, унинг ҳаётдаги ўрнини, кескин ва қалтис бурилишларга бой шиддатли воқеалар асосида ифода этади. Романда қарашлари ранг-баранг бўлган, турлича табиатли шахсларни ички дунёсига мос портрет яратилган. Бу эса, ўқувчини роман сюжети, воқеаларини тез ва тўғри тушунишга тайёрлайди. Шиддатли ва кескин асносида роман қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракатлари, кийиниши, ўзини тута билиши ўша кайфиятга мос тарзда тасвирланади.

「すっかり身づくろいも終えていた。着物とそろいのモンペの、淡い緑がかったかすりの色合からはまるでハッカ入りの傷薬のような匂いさえ感じられたし…」⁶⁹。

«Хотин кийиниб олган эди. Оч яшил нақшли кимоноли билан чолворидан ялпизли бальзамнинг сарин атри таралаётгандек эди»⁷⁰.

Бу портретда аёлнинг эркакка ёқиш учун қилаётган ҳаракатлари намоён қилинган. Адиб аёлнинг эгнидаги япон халқига хос бўлган кийим – кимононинг кўринишига ҳам тўхталиб ўтган. Аёлнинг ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракатларини, кийинишлари ҳақида батафсил маълумот бериш жараёнида аёл ўзида аёллик назокатини жамлантиришга уринаётганлигини илғаш мумкин. Адиб келтириб ўтган таърифлар ёрдамида аёлнинг ташқи қиёфасини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

⁶⁹ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.146.

⁷⁰ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 39-бет.

「女は眼をふせ、かすかに吐息をついた。それっきり、肩をおとすと、もう身じろぎしようとしめないのだ。まるで理不尽な難題をふきかけられた、不幸な仔犬のように」⁷¹。

«Хотин ерга қараб, оҳиста хўрсиниб қўйди. Елкалари эгилиб тушди, аммо қимир этмади. Худди амри маҳол бир иш буюрилган ожиз кучук боланинг дидини берди-қўйди»⁷².

Адиб бу портрет чизгилари орқали аёлнинг айби йўқ бўлиб, иложсизликдан шундай йўл тутганлигини кишига уқтиришга уринганлиги сезилади. Бош қаҳрамонлар характерида ҳосил бўлган мураккаб вазият, қарама-қаршиликлар инсон ва олам ҳақидаги тушунчалари реал ҳаёт фонида ифода этилади. Ана шу воқеаларга мос ташқи қиёфа, кўриниши, хатти-ҳаракат, кийиниш, гапириш оҳанги, руҳий манзара ўзига хос қилиқлар тасвирланади. Оддий турмуш ташвишлари ичида, инсонга хос барча фазилатларни, заифлиги, қудратликларини ўзида мужассам этган кишлоқ аҳолисининг тақдири ёзувчи томонидан юксак маҳорат билан яратилади. Етакчи қаҳрамонлар тасвиридаги ҳаётийлик ва ҳаққонийлик роман ғоявий-бадий функциясининг асосидир. Ҳар бир адибнинг муҳит хусусияти бадий асардаги қаҳрамонлар характери ишонарли, табиий, жонли тарзда яратишдан иборатдир. Ёзувчи Кобо Абэ романида аёлнинг ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракатларини кийинишлари ҳақида батафсил маълумот бериш жараёнида кишлоқнинг қумли шароити, ҳамда ана шундай мураккаб вазиятда ҳам аёл уйдан кетмаслигини, ёлғиз холида кишлоғини тарқ этишга ожизлик қилишини ва бундай шароитга кўникишга мажбурлиги ҳақидаги фикрларини ҳам китобхон эътиборига ҳавола қилиб ўтганлигини кўришимиз мумкин.

「足の結び目は、じゅうぶんに固く、指をさしこむ余地もない。手首もすでに、赤黒くむくみを帯びて、籠のようにつぶれた爪も、古いインクのしみのような色に変わっていた。

⁷¹ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.149.

⁷² Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968, 41-бет

さるぐつわの具合も申し分なさそうだ。ただでさえ冴えない色の唇を、ほとんど血の気が失せるまでに、左右に強くひきのばし、そこだけ見ると、まるで妖怪の形相である。したたる唾液が、頬の下を黒く染めている。ランプの焰がゆれるたびに、そこから声にならない絶叫聞こえてくるようだった。

女は、姿勢を変えず、角度だけを、もとの位置からわずかにずらせていた。顔を、いくらからでも戸口の方へ向けかえ、外の様子をたしかめるつもりだったのだろう。光に、一瞬、またいたが、すぐまた固く眼を閉じてしまった。

女は顎をつきだしてあえいだ。手拭は、女の唾液と口臭で、鼠の死骸のようにずっしりと重い。痣になって刻みこまれた手拭の跡はおいそれとは消えてくれそうにない。干魚のようにこわばった頬のしこりを、解きほぐそうとして、しきりに下顎の連動をくりかえした⁷³。

Оёқлари қаттиқ танғиб боғланган, орасидан бармоқ ҳам ўтмайди. Қўллари ҳам жойида — билаклари мўматалоқ бўлиб кетибди, этлари кўриниб қолган тирноқлари қуюлиб қолган эски сиёх тусига кирибди. Ўзи аслида қони йўқ лаблари ҳам оппоқ оқариб кетибди, нақ суратининг ўзи қолибди.

Оғзидан оқаётган сўлагидан бўйрада қорамтир халқоб ҳосил бўлибди. Липиллаб турган чироқ нурида хотин ётган томондан сассиз фарёд келаётгандек эди.

Хотин боши ерга сал энгашиганича ҳамон ўша ҳолатда ётарди. Ташқарида нималар бўлаётганини аниқлашга тиришибми бошини эшик томонга сал бурди. Ёруғдан кўзлари қамашиб, чирт юмиб олди...

Хотин энгагини олдинга чўзганча оғир хансирарди. Сўлаги қум билан қоришиб кетганидан сочиқ худди сичқоннинг ўлигидек кулранг ва вазмин бўлиб қолган эди. Сочиқ ботганлиги туфайли пайдо бўлган кўм-кўк моматалоқ излар ҳеч қачон аримайдигандек туюларди. Худди қоқ

⁷³ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.173-176.

балиқдек қотиб қолган ёноқларининг қарахтлигини ёзиш учун хотин пастки жағини тўхтовсиз ўйнатарди»⁷⁴.

Шу ўринда адиб портретнинг динамик усулидан фойдаланган. Яъни, воқеалар жараёнида аёл эркак томонидан боғлаб қўйилгач, боғлоқ ҳолича кўп қолиб кетади. Ёзувчи шу ўринда асар воқеалари ривожланаётган бир паллада, вақти-вақти билан аёлнинг ҳолатини ёритар экан, унинг ҳамон ўша боғлоқ ҳолда эканига ишора қилади.

Ушбу асарда тасвирланган воқелик ижтимоий ҳаётнинг муайян даврдаги қисми ҳисобланади. Ана шу асарда акс этган воқеликка, унда иштирок этувчи адабий қаҳрамонлар образи, уларнинг ташқи қиёфаси, сиёмоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши, хатти ҳаракати, яъни портрети тасвирига тўғри баҳо бериш учун шубҳасиз, энг аввало шу воқеликнинг ички ўзига хосликларини эътиборда тутиш керак. Ҳар бир портрет бежиз берилмайди. Аёл образига берилган портрет ҳам бежиз эмас. Бу портрет орқали ҳам қумли макон ва унинг юзага чиқарган ноқулайликлари, ҳам эркакнинг ўз мақсади йўлида барча чораларни қўллашга мажбур бўлаётганлигини, ҳам аёлнинг аяанчли аҳолини тасвирлаб ўтган. Маълумки, бадиий адабиёт халқнинг ҳаёти касб-кори ижтимоий онгини акс эттириш йўли билан унинг миллий характерини ифодалайди. Адабиётнинг миллий хусусиятлари: миллатлар ҳамда халқларнинг ўзига хос аломатлари: ижтимоий-сиёсий, табиий-жўғрофик, руҳий хусусиятлари: қаҳрамонларнинг тили, ташқи кўриниши, исми, кийим-кечаги, урф-одати: халқнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, миллий манфаатларини неғочли акс эттирганлиги билан аниқланади.

Миллат ёки халқнинг хусусиятлари абстракт ҳолдаги ҳодиса эмас, балки конкрет тарихий даврнинг ижтимоий-иқтисодий тузумининг маҳсули. Шунингдек, бадиий асардаги миллий характер ҳам конкрет

⁷⁴ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 69-73бет.

ижтимоий-иқтисодий давр кишилари характерининг бадий инъикоси ҳисобланади. Кобо Абэ қишлоқ шароитини ва аҳолисини ёритар экан, юқорида келтирилган хусусиятлардан кенг фойдалана олган.

「女は、仰向けになったまま、足首同士をすりあわせ、手首を交互につかんで、ゆっくりともみほぐしはじめる。うめきをこらえ、歯をくいしばり、顔中から汗がぶちになって吹き出してくる。そろそろと、体をまわし、尻のほうから、四つん這いになる。最後に、首を、やっとの思いで引き上げる。しばらく、そのまま、ゆらゆらと揺れていた」⁷⁵。

«Хотин чалқанча ётиб олиб, тўпикларини бир-бирига ишқади. Сўнгра бармоқлари билан билакларини укалай бошлади. Инграб юбормаслик учун тишини тишига қўйди, юзига тер қалқди. Мана у аста-секин ёнбошига ағдарилиб, тўрт оёқлаб олди: аввал чўккалади, сўнг қўлларини тиради. Ниҳоят, машаққат билан бошини кўтарди. Ҳийла вақтгача шу вазиятда бўлиб, аста-аста чайқалиб турди»⁷⁶.

Бадий адабиётда образга нисбатан ҳаракат муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи характер тасвири орқали воқеаларни акс эттиради. Бу ҳаётни эстетик ўзлаштиришнинг асосий усулидир.

Умуман айтганда, қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуаси характер деб юритилади. Илмий-назарий адабиётларда характернинг моҳиятини аниқлайдиган икки асосий хусусият кўрсатилади. 1) «шахс ирода йўналишини кўрсатувчи нарса характерни белгилайди». Демак, хаарктер энг аввало, шахс иродаси, ўша ироаднинг йўналиши, унинг юзага чиқиши ва ифодаланиши билан белгиланади. Албатта, шахснинг ирода йўналиши муҳитнинг шахсга фаол муносабти ва аксинча, шахснинг муҳитга муносабатидан пайдо бўладиган ҳолатдир. 2) «хулқ-атворини белгилайдиган индивидуал руҳий белгилар: мардлик кўрқоқлик, инсофлилик, инсофсизлик, ташаббускорлик,

⁷⁵ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.184-185.

⁷⁶ Кобо Абэ. «Кумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968, 83-бет.

меҳнатсеварлик, иш ёқмаслик, дангасалик» кабилардир. Бадиий асарда бундай индивидуал руҳий хусусиятларсиз характери тасаввур қилиб бўлмайди.

Кобо Абэ аёлнинг ўша вазиятдаги ҳолатини майда деталларигача тасвирлаганки, бу вазиятни илғашда қўл келади. Эркак аёлни кўрганидаги тасвурлари, аёлнинг эркак назаридаги беҳаё қилиқларини катта маҳорат билан ёритган. Аёлдаги назокатнинг етишмаслиги эркакнинг унга бўлган қизиқишини сўнишига сабаб бўлаётганлигини, хунук кўриниш интим майлларнинг йўқолишига олиб келганлигини Кобо Абэ келтирган портрет чизгиларидан билишимиз мумкин. Бу асосида киши ўша тасвирларни тўлалигича кўз олдига келтириб, тасаввур қила олиш имконини беради.

「これまで、思い浮かぶものといえは異様に拡大された、細部ばかりであり、肉の厚い鼻の穴……しわだらけの唇……のっぺりした薄い唇……ひらたい指……とがった指……目の中の星……鎖骨の下の、糸のようなイボ……乳房を走っている董色の静脈……そんな部分ばかりが、やたらと真近にせまって、彼に吐き気をもよおさせてしまうのだ。だが、広角レンズをつけた眼には、すべてが小ぢんまりした、虫のようにしか見えなかった」⁷⁷。

Шу вақтга қадар у ўз тасаввуридагина улкан кўринган айрим майда қисмларни эсларди: сергўшт буруннинг катаклари... бужмайган лаблар... силлиқ нафис лаблар... тўмтоқ бармоқлар... нафис бармоқлар... юлдуздек чакнаган кўзлар... гардандаги солқи сўғал... кўкрак бўйлаб ёйилиб кетган кўкиш томирлар... Яқиндан тикилиб қарасанг кўнглинг айниб кетади. Аммо узоқдан буларнинг ҳаммаси зиғирчагина, кичкинагина ҳашаротча ҳам кўринмайди»⁷⁸.

Романда ҳар бир характер ўз йўналишида ривожланади ва тараққий топа борган сари аниқроқ, равшанроқ ва энг асосийси ўзига хос

⁷⁷ 安部公房全集 16 [1962.4–1962.11] 東京、新潮社、1998, p.246.

⁷⁸ Кобо Абэ. «Қумдаги хотин» //Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 151-бет.

қиёфада кўрина боради. Ҳаётдаги кишиларнинг ташқи кўринишлари ҳар хил бўлгани каби бадиий асарда ҳам адабий қаҳрамоннинг портрети ранг-баранг тарзда тасвирланади. Ҳаётда ҳам баъзан кўриниши хунук кишилар орасида ниҳоятда ҳалол, покиза инсонлар учрайди. Ва аксинча, кўриниш, кийим-либоси ғоят кўркем бўлганлар ичида шундайлари борки, уларнинг ёвузликлари, маккорликлари кишини даҳшатли солади. Албатта инсоннинг ташқи кўриниши унинг феъл-атворидаги у ёки бу жихатни маълум даражада аён этиб туради. Шу боисдан қаҳрамон портретида унинг характерининг маълум бир қирраси аксланиши лозимки, бу унинг ички-ташқи қиёфасини аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Демак, Кобо Абэнинг яратган асарларида аёл ва унинг руҳий ҳолати, ўша давр ҳолатининг портрети усталик билан чизилганки, уни ўқиган киши асар мазмунини ва воқеалар ривожини беихтиёр кўз олдида намоён қила олади.

II боб бўйича хулоса

Ҳар бир адиб ўз асарига асос қилиб олаётган тарихий воқеаларга ўз истеъдоди табиатидан келиб чиқиб ёндашади. Ёзувчи романни ёзиш жараёнида 1955-1962 йилларга оид кўплаб манба ва материаллар билан танишиб, ўша давр ҳаётини воқеаларини тафаккуридан ўтказади.

Ёзувчи Кобо Абэ персонаж нутқини индивидуаллаштириш орқали унинг шахсияти, дунёқараши, муайян ҳаётини ҳолатдаги руҳияти ҳақида ўқувчига кўп нарсаларни етказа олди. Адибнинг асарларида инсон тасвири, унинг ички руҳий ҳолатларини, ўй кечинмаларини, фожиали, аянчли, бахтли турмуш тарзини тасвирлаш биринчи ўринда турди.

Муаллиф асар қаҳрамони бўлмиш Ники Дзюмпэйнинг нафақат ташқи кўринишидаги белгиларини, балки персонажнинг характер хусусиятларини ҳам таҳлил қилганлиги сабабли китобхон тафаккурида Ники ҳақида дастлабки маълумот ҳосил бўла олади, десак хато бўлмайди. Асар қаҳрамони мураккаб, қалтис вазиятларни бошидан кечирази. Ана шундай оғир дақиқаларда у жуда кўп нарсалар тўғрисида ўйлайди, мураккаб руҳий ҳолатни бошидан кечирази.

Асарда портрет қаҳрамоннинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, унинг ички, маънавий қиёфаси, феъл-атвори ҳақида ҳам маълум тасаввур берган. Ҳаётда кўпинча кишининг қиёфа, кўриниши унинг феъл-атворини билдириб тургани сингари, бадиий асар қаҳрамонлари портретлари ҳам уларнинг ички қиёфасига мослаб тасвирланади. «Қумдаги хотин» асарида қишлоқдаги шароитлани таҳлил қилиш ёрдамида қишлоқдаги қийин вазият, бунга кўникиб қолган қишлоқ аҳолисининг ҳолати келтирилган. ҳеч қандай қулайликларга эга бўлмаса ҳам яшаётган қишлоқлари учун жон куйдириб, хориб-толиб ватан учун меҳнат қилишлари ўша муҳитга мос равишда тасвирланади.

Ники Дзюмпэйнинг психологик ҳолати, изтироблар, талвасалар гирдобиди азоб чакаётган қалбидаги руҳий кечинма портрет тасвирига мос тарзда ифода этилган. Табиат манзарасини қаҳрамон руҳиятига, ташқи

қиёфасига, кўришига, хатти-ҳаракатларига қилиқларига мос тарзда яратди.

Романда аёл портрети, шундай тасвирланганки, унинг кўриниши, қиёфаси хусусидаги мулоҳазалар унинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, ички ҳолатлари тўғрисида ҳам муайян тасаввур олиш имконини берди. Бу эса ижодкор эътиборни қаратган деталлар асосида ҳосил бўла олади. Детал қаҳрамон портретини эмас, унинг феъл-атфори кўрсатишда ҳам алоҳида аҳамият касб этганлигини асар мобайнида кўриш имконини берган.

Кобо Абэнинг бадиий маҳорати олға сураётган ғоясини ўқувчиларга етказа олиши билан белгиланган. Бунда асар қаҳрамонларининг ҳамда вазият ҳолатининг портретини шундай яратганки, уни ўқиган киши асар мазмунини моҳиятан кенг идрок қила олади, персонаж борасида аниқ тасаввур ҳосил қила олиши мумкин.

Демак, романда қаҳрамонлар портрети маълум даражада уларни ички дунёсини иникос эттиради ва шу сабабли сюжетда бизни воқеларни тез ва тўғри тушунишга тайёрлайди. Шунингдек, портрет ёзувчининг ғоявий-эстетик ниятини амалга оширишга ёрдам беради. Бу қаҳрамон образларининг ташқи қиёфалари, кўринишлари, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, гапириш оҳанглари, портрети Кобо Абэ ниятига, воқеа мантиқига мос равишда тасвирланади. Романда тасвирланган портрет орқали муаллифнинг тасвир этилаётган кишига муносабатини, ўша шахснинг сюжетида ўйнаётган вазифасини олдиндан билиб олиш мумкин.

III БОБ. «ЯШИК-ОДАМ» РОМАНИДА ПОРТРЕТ ТАЛҚИНИ

Кобо Абэ ўз асарларида инсон ва унга душман бўлган буржуа жамияти ўртасидаги низоларни очиб беришни мақсад қилган. Аксарият унинг асарлари айна шу мавзуга бағишланган десак, хато бўлмайди. В.С. Гривнин филология фанлари доктори, японшунос олим, Абэнинг кўплаб асарларини рус тилига таржима қилган. Абэнинг ижодига бағишлаб ёзган мақоласида у ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:

«Замонавий япон адабиёти ҳақида ҳар қандай танқидчи билан гаплашманг ва ундан ўз ижоди билан япон адабиётининг тараққиёт йўлини белгилаб берган адибларни санаб ўтинг деб сўрасангиз, албатта у биринчилардан бўлиб Кобо Абэ номини келтириб ўтади.

Чунки, япон адабиётининг кейинги ўн йилликлардаги сифатий ўзгаришлари ушбу ёзувчининг номи билан бевосита боғлиқдир.

Замонавий Японияда инсоннинг ички дунёси муаммоларини долзарблик касб этишининг сабаби шундаки, Ғарб ва Шарқдаги капитализм оламининг кўпгина зиддиятлари айнан шу мамлакатда, кескин тарзда гавдаланди.

Кобо Абэ ўз олдига инсон ва унга ёт бўлган ижтимоий олам ўртасидаги низо сабабларини фош қилишни мақсад қилиб кўяди ва бу унинг аксарият асарларининг мавзусини шакллантириб беради. Бу албатта бутун дунёда унинг ижодига эътибор ва қизиқишни кучайтиради»⁷⁹.

1. «Яшик-одам»да персонажлар портрети

Кобо Абэнинг мазкур асарининг асосий ғояси шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятни кўрсатиш орқали жамиятининг инсон шахсига муносабатининг бадий тадқиқ этишдан иборат. Ромадаги етакчи ғоялардан яна бири шуки, унда инсонни ёлғизлик вв маҳдудликдан гўзал ҳаётгига қутқара олиши мумкинлиги илгари сурилган.

⁷⁹ Кобо Абэ. Пьесы. // В.Гривнин. Кобо Абэ – писатель и драматург (статья), – Москва, «Искусство», 1975, стр. 273-274.

Мусааввир кишилар қиёфасини чизгилар, ранглар воситасида гавдалантирса, ёзувчи, шоир қаҳрамони қиёфасини сўзлар ёрдамида кўрсатишга интилади. У персонаж учун хос ҳолат, хусусиятларни деталлар воситасида кўрсатишга ҳаракат қилади. Кобо Абэ ушбу асарида китобхонга тушунарли бўлиши мақсадида асарнинг асосий қисмини ташкил қилган картондан қилинган уй ҳақида маълумотларни ҳам келтириб ўтган:

«Қатлама картондан қилинган бўш яшикнинг эни ҳам бир газ, кенлиги ҳам бир газ, баландлиги эса бир газу ўттиз сантиметр бўлиши керак, ўшанда у ҳар қандай одамга тўғри келади. Полиэтилен тирқиши аслини олганда яшик-одам учун кўздай гап. Уни тахтадеворда ўғринча қараш учун қўйилган тешик билан тенглаштириш асло ярамайди. Чунки, бу тирқишни сал катталаштириш ёки торайтириш йўли билан рўй бераётган воқеага муносабатни яққюл ифода этиш мумкин»⁸⁰.

Ушбу асарида Кобо Абэ уни ёзишга туртки бўлган «яшик»ни таърифлар экан, унинг хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Шунингдек, картондан яшик яшаш усулини ёритиш билан биргаликда асар қаҳрамонининг тахминий бўй-бастига ишора қилиб ўтган. Ўша даврда яшаган яшик-одамнинг ҳолати ҳақида ҳам парча келтириб ўтганлигини кўришимиз мумкин. Яшик-одам бўлишнинг ҳам бир қанча машаққатлари мавжудлигини, уни кийиш учун жасорат кераклигини акс эттирилган.

Абэ яшик тирқишига ишора қилар экан, унинг яшикнинг энг муҳим элементи сифатида ифодалайди. Яшик тирқиши бу – яшик-одамнинг нигоҳидир, яъни содда қилиб айтганда, унинг кўзи. Кўзида нуқсони бор кишилар сингари, яшик тирқиши ҳам мукамал бўлмаса, ўша нуқсонли кишиларга тенглаштирилади. Зеро бу тирқиш яшик-одамнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситасидир.

⁸⁰ Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 4-7 бетлар.

「ある日、A のアパートの窓のすぐ下に、一人の箱男が、住みついた。いくら眼に入れまいとしても、自然入ってしまう。いくら黙殺しようと努力しても、意識せずにはいられない」⁸¹。

«Кунларнинг бирида «А»нинг деразаси тагига яшик-одам ўрнашиб олди. «А» ундан нигоҳини олиб қочишга қанча тиришмасин, барибир, ҳадеб унга кўзи тушаверди. «А» эътибор бермасликка ҳаракат қилди, лекин уддасидан чиқолмади. У даставвал гангиб қолди, кўнглига ғулғула тушди...»⁸².

Бу ерда асардаги қаҳрамоннинг исмини Кобо Абэ шартли равишда «А» деб қисқартириб ифодалаб ўтган. «А» ўз уйининг деразаси тагига келиб, ўрнашиб олган яшик-одамни кўрганида юз тузилишидаги ўзгаришни кўрсатиб ўтган. Яшик-одам ҳақидаги салбий тасаввурлар мавжудлиги сабабли асар қаҳрамони «А»га ёқмайди. Ўзини босишга харчанд уринмасин бу ҳолатга безътибор бўла олмайди. Бунни адиб тасвирлаган портретдан билиш мумкин. Ҳар бир бадиий асарда тасвирланган воқелик узлуксиз оқимдаги ижтимоий ҳаётнинг муайян даврдаги қисми ҳисобланади. Ана шу асарда акс этган воқеликка, унда иштирок этувчи адабий қаҳрамонлар образи, уларнинг ташқи қиёфаси, сиёмоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши, хатти ҳаракати, яъни портрети тасвирига тўғри баҳо бериш учун шубҳасиз, энг аввало шу воқеликнинг ички ўзига хосликларини эътиборда тутиш керак.

«Яшик-одам»да ҳам яшик-одамнинг портретини акс эттириш орқали, унинг жамият олдидаги «ўрни»ни, ёзувчи, асар давомида очик-ойдин ифодалай олган. Яшик-одамнинг жамият олдидаги ўрнини ифодалаш билан биргаликда унинг руҳий дунёсидаги турфа ўзгаришларни ўрганиб, тушунишга интилиб, оммага ушбу асарни тақдим этган.

「…A はうろたえ、急いで箱を片付けてしまおうとした。ところが実際に彼のしたこと
といえ、手を洗い、鼻をかみ、せっせとうがいを繰返すだけだったのだ。はね返った弾が

⁸¹ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.17.

⁸² Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 9-бет.

頭蓋骨のなかを飛びまわり、脳の調子を狂わせてしまったのかもしれない。しばらくあたりの様子をうかがってから、窓のカーテンを閉め、彼はおずおずと箱の中に這い込んでみた」⁸³。

«... «А» таҳликага тушиб, яшикни улоқтиришга қатъий аҳд қилди. Бироқ, бунинг ўрнига ҳафсала билан юз-қўлини юва бошлади, бурнини қоқди, оғзини чайди. Афтидан, қайтиб келган ўқ унинг бош суяк чаноғига санчилиб киргану, ичидагиларни ағдар-тўнтар қилиб юборган эди. «А» хавфсираб атрофга аланг-жалаңг кўз ташлади-да, дераза пардаларини тушириб, қўрқа-писа яшикка кирди»⁸⁴.

Тўсатдан теккан ўқ «А» ни саросимага солиб қўйган. Бу ҳолатда унда иродасизлик каби иродавий хусусият мавжудлигини тушунса бўлади. Персонажнинг ҳолатини аниқ ва равшан ифодалай олгани учун ҳам адиб воқеалар ривожини китобхон кўз ўнгида гавдалантира олган. «А»нинг ўз турмуш тарзини ташлаб картон уйда яшаш иштиёқининг бирданига пайдо бўлиб қолганлиги ҳам тушунарсиз ҳолат эди албатта. Романни ўқиш жараёнида «А»нинг вақт ўтган сари яшикда яшашга мослаша бошлаганини кўриш мумкин. Адиб персонажни тасвирлаш жараёнида унинг ҳаёлий кечинмаларидан тортиб, ўз-ўзи билан курашиш дақиқаларигача файласуфона ёритиб берган десак муболаға бўлмайди. Роман ўқиш давомида у уйда бўлган вақтларида, у деярли яшикдан чиқмаганини, фақат овқатланиш, ҳожат пайтларидагина яшикдан чиққанлигини гувоҳи бўламиз. «А» яшик-одамга айланиш чоғида ўзида енгиллик хис қилар, илгарилари турган-битгани азоб-уқубатдан иборат бўлиб туюлган ёлғизлик ҳам энди унга, аксинча, бахт бўлиб кўринар эди.

Асар қаҳрамони «А» узок муддат ёлғизликда яшаганлиги сабабли унинг фикрларида чалғишлар юз бера бошлаган. Яшикни эса ўша вазиятдаги ҳолатига мос деб била бошлаган. Барчадан холи, ўз холича яшашга уриниш натижасида яшик учун борган сари эҳтиёжи орта

⁸³ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.19.

⁸⁴ Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 12-бет.

бошлаганини Кобо Абэ китобхонларга моҳироналик билан етказа билган.

「A は箱の内壁に——覗き窓に向かって左側——に手鏡を吊すと、懐中電燈の光をたよりに、ポスター・カラーで、唇を緑色に塗った。それから、眼のまわりに、赤からはじまる虹の七色で、しだいに広がる輪を描いた。人間よりも、鳥か魚の顔に似てきた。ヘリコプターから見た遊園地の風景に似てきた。その風景の中を一目散に逃げていく、小さな自分の後ろ姿。これほど箱に似合った化粧もないだろう。やっと容器に見合った内容になれたのだと思う。はじめて、箱をかぶったままで壁にもたれて寝についた」⁸⁵。

«А» яшиқнинг ички деворига (юзни дарчага қаратиб турганда, чапга) кўзгуни осди, чўнтак фонари ёруғида лабларини яшил фломастерда бўяди. Кейин қизилидан бошлаб, камалақнинг етти хил рангида кўзлари атрофига кенг доирачалар чизиб чиқди. Энди у одамга ўхшамас, кўпроқ балиқ ёки қушни эслатар эди. Юзи худди вертолётдан кўринаётган спорт майдончасига ўхшаб қолди. Унда ўқдай учиб кетаётган вертолётнинг жажжи сояси ҳам бор эди. Яшиққа ярашиб тушадиган, бундан ортиқ қойилмақом қилиб бўялган юзни топиш қийин. Ниҳоят, у ўзининг ажралмас қисми бўлиб қолган нарса билан қариндош тутинганини ҳис қилди. Ва, деворга суянган ҳолда, биринчи марта яшиқда ухлади»⁸⁶.

«А» кун сайин яшиқ – одамга ўхшашга урина бошлади. Бу уриниши бесамар кетмаганини адиб томонидан ёритилган портрет чизгилари намоён қила олади. Шу боис ҳам ёзувчи китобхон эътиборини, диққатини персонажнинг онгида кечаётган ўй-хаёлларнинг кечишига ва ана шу ўйларнинг унинг ҳаётига тубдан ўзгартиришлар ясашига қаратади. Ёзувчи томонидан яратилган ранг-бранг эпизодларнинг жонли, табиий тасвирланиши, яшиқ-одамнинг характерини яратишда портрет тасвиридан фойдаланиши ўзига хос поэтик хусусият кашф этади. Яшиқ-одам образининг характерини бадиий маҳорат билан яратиш, яшиқ-одамга мос

⁸⁵ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.19.

⁸⁶ Кобо Абэ. Яшиқ-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 13-бет.

ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракати, қилиқлари-ю, гапириш оҳангининг портретини тасвирлаш орқали қаҳрамоннинг характер хусусиятларининг образи янада ёрқинроқ очиқ берилган.

「…彼女の脚は高台に立って見晴した鉄道のレールなみにほっそりとしなやかだった。

ひらけた空のように視線を妨げるものがない、軽くて青みがかった足取り…」⁸⁷。

«Қизнинг оёқлари худди узоқ-узоқларга югуриб кетаётган рельслардек (уларга тепаликдан туриб қараганингда) тўғри ва нафис, ниҳоятда гўзал эди. Шўх, енгил қадамларига, бамисоли тубсиз шаффоф осмонга тикилгандек, бир умр термулиб тўймайсан киши»⁸⁸.

«Яшиқ-одам» романининг яна бир қаҳрамонларидан бири бу – қиз образи бўлиб, асар давомида асосан қизнинг оёқларининг портрети ёзувчи томонидан келтирилган. Адиб ўз асарида қизнинг юз тузилишидан кўра унинг оёқларига урғу берган. Унинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракати, ўша даврга хос кийиниш, аёлларга хос жозиба ва латофат, «А»ни лол қолдирувчи қизнинг гўзал оёқлари ёзувчи томонидан ифодалаб берилган. Юқоридаги қаҳрамоннинг портрет тасвири, унинг ички дунёсини тушунишга ва ана шу сабабли сюжетда воқеаларни тез ва тўғри англашга тайёрлайди. Қизнинг гўзал ва чиройли тасвири кайфиятини бир оз кўтарса-да, лекин персонажларнинг руҳиятидаги ўй-кечинмалар, китобхонни ҳам ташвишга солади. «Одам образининг реал бўлиши учун тип индивидуал кайфиятни инсон сўзларидан, фақат шу одамга хос индивидуал сифатлардан маҳрум бўлмаслиги керак». Кобо Абэ «Яшиқ-одам» асарини жамиятдаги ўрнатилган тузумни ва асарда акс эттирилган даврни кўрсатиб бериш, яшиқ-одамларнинг жамиятда «йўқ» деб тасаввур қилишлари, яшиқ-одамларнинг қийинчиликда яшаганини ёритиб ўтди. «Қумдаги хотин» асарида ёритгани каби ушбу асарда ҳам аёл кишининг тана тузилишининг портрети нисбатан кенг ёритилганлигини кўришимиз

⁸⁷ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.23.

⁸⁸ Кобо Абэ. Яшиқ-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 15-16 бетлар.

мумкин. Асар қаҳрамони ҳисобланмиш қизнинг жозибидор оёқларининг тузилиши, унга кўзи тушган кишини бефарқ қолдирмаслигини адиб чизган портретдан илғаш мумкин. Персонажнинг хаёлларида кечган кечинмалари, туғёнлари ҳар бир ташқи кўринишига мос тарзда ифода этилади.

「たしかに共通点も少なくはない。例えば身分証明書を持たないこと、職業に就かないこと、一定の住居を持たず、名前や、年齢を明示せず、食事や睡眠のための決まった時間や場所を持たないこと。それから……そう、散髪に行かず、歯をみがかず、めったに風呂に入らず、生活のためにほとんど現金を必要としないこと、等々……」⁸⁹。

«Дарҳақиқат, уларнинг ўхшаш томонлари кўп. Масалан, уларда ҳужжат йўқ, ҳеч қаерда ишламайдилар, муайян уй-жойга эга эмаслар уларнинг номлари, ёшлари номаълум; ухлаш, овқатланиш учун тайин жой ёки белгиланган вақтлари йўқ. Кейин, ҳа, сочларини олдирмайдилар, тишларини тозаламайдилар, у йилдан бу йилга бир марта ҳаммомга борсалар, борадилар, бўлмаса йўқ, пул уларга деярли бир умрга керак эмас ва ҳоказо, ва ҳоказо...»⁹⁰。

Роман воқеаларининг бошиданоқ асар қаҳрамони ҳисобланмиш «А» образи орқали яшик-одамнинг ташқи қиёфасини, кўринишини, унинг хатти-ҳаракатини тасвирлайди. Кобо Абэ бадиий образлар ёрдамида асар қаҳрамонининг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, унинг ички, маънавий қиёфаси, феъл-атвори ҳақида ҳам маълум тасаввур бера олди. Ҳаётда кўпинча кишининг қиёфа, кўриниши унинг феъл-атворини билдириб тургани сингари, адиб ҳам асар қаҳрамонлари портретларини уларнинг ички қиёфасига мослаб тасвирлади. Алоҳида-алоҳида олинган персонаж образининг характери, унинг ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари роман воқеаси мантиғига мос равишда тасвирланади. Адиб давр шароити, қисмат ўйинлари, яшик-одамлар билан боғлиқ фожиавий

⁸⁹ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.24.

⁹⁰ Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 17-бет.

холатлар, талашишлар, бир-бирига ишончсизлик, кўролмаслик, дунёқарашларнинг турфа хиллиги, ўз ҳаёти учун курашиш усуллари интим майллардаги фарқланиш каби ўнлаб жиҳатларни инобатга олиб ҳолис ҳукм-хулосалар чиқаришга интилар экан, унга яшиқ-одамларнинг ҳар бири ўзгача туюлади. Айни пайтда, асарда яратилган портретларда адибнинг ҳиссий муносабати ҳам ўз аксини топган. Ижодкорнинг ҳиссий муносабати бадиий концепсияни шакллантиришда, асар мазмунининг ўқувчига етказилишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, образлар тизимидаги ҳар бир конкрет образнинг ҳиссий тоналлиги турлича бўлиб, бу нарса биринчи галда муаллифнинг ижодий нияти билан боғлиқ бўлади.

「着こなしは悪いが、張りのあるかなり上等の生地。それにしては、皺だらけのズボン。太くがっちりしているが、労働の経験はなさそうな、先のまるい指。それから、何よりも目立つのが、変わり型の靴。甲の浅い、脇がえぐれた、スリッパ式の短靴。脱いだり、履いたりの回数が普通以上に多い職業だ」⁹¹。

«Костюми яхши бўлса ҳам, пала-партиш кийинган. Шими ғижим. Тирноқлари ҳафсала билан олинган, йўғон, бақувват, шу билан бирга оғир ишга одатланмаган бармоқлар. Бужмайган, шаклини йўқотган туфли биринчи бўлиб кўзга ташланади. Мокасин нусха, ёнлари тешиқ-тешиқ, тайпоқ туфли. Афтидан, хизмат тақозоси билан тез-тез кийилиб-ечишиб турса керак»⁹².

Ёзувчи ўз қаҳрамонларини оммага тақдим қилар экан персонажларнинг ташқи кўриниши ўқувчига тушунарли бўлишлари учун ҳар бир қаҳрамоннинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзидаги жилмайишида, кўз ўйинида ва ҳақозаларда характери, ўзига хос оригинал хусусиятларни қидириб топиб, таъкидлаб кўрсатиши ва қайд қилиши зарур. Ҳаётда мутлақо бир хил одамлар бўлмайди, ҳар бир кишининг ички киёфасида ҳам, ташқи кўринишида ҳам қандайдир ўзига хослик бўлади.

⁹¹ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.27.

⁹² Кобо Абэ. Яшиқ-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 21-бет.

«Яшиқ-одам» асар қаҳрамонини яратаётганда ҳам Кобо Абэ бундай нарсаларга эътибор қаратган. Айниқса, қаҳрамонни гавдалантиришда ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракати, яъни портретига алоҳида жиддий урғу берган.

「ぼくの出まかせの身の上話にも、いちいち彼女の微笑がうなずき返し、その微笑は固めた空気を彫って、光の刷毛で色をつけたように淡くしかも無防備で、ぼくは愛情を告白されているように錯覚したほどだ。白衣の裾が長すぎて、彼女の脚がさっぱり見えないことさえ、忘れさせるほどの笑顔だった」⁹³。

«Мен ўзим тўғримдаги ёлгон-яшиқларни сўзлаб бераётганимда у ўтириб олиб, табассум билан бош ирғаб эшитди. Унинг табассуми гўё тош қотган ҳавога ўйиб ишланган ҳамда қуёш мўйқалами билан жило берилгандек ҳайратда қолдирарли даражада жозибали, шу билан бирга ночор эди. Туйқусдан ҳаёлим қочиб, у менга худди севги изҳор қилаётгандек бўлиб туюлди. Табассум ёйилган чехра ҳатто эғнидаги ҳалатнинг ҳаддан ортиқ узунлигини ва оёқлари деярли кўринмаётганини ҳам унутишга мажбур этар эди»⁹⁴.

Ёзувчи «Яшиқ-одам» романида яшиқ-одамларнинг тақдири ва қисмати орқали унинг руҳиятини акс эттириш негизида жамият қиёфаси ҳамда руҳини намоён этишга интилиш тамойили кузатилади. «А»нинг рўйи-рост сўзлаши, ўзи ҳақидаги бор маълумотларни тан олиши қаҳрамон характерининг ўзига хос хусусияти ҳисобланиб, ана шу воқеага мос равишда портрет тасвирланади.

Бадиий асар қаҳрамони этиб танланган шахс қанчалик машҳур бўлмасин, унинг асар давомидаги ўрни қанчалик серқирра бўлмасин ёлғиз ўзи маълум бир жамиятдаги даврни тўлалигича акс эттира олмайди. Шунинг учун ёзувчи асарнинг ғоявий-бадиий ниятига хизмат қилувчи қатор образларни асарга олиб қиради. Жумладан қиз образини олайлик.

⁹³ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.32.

⁹⁴ Кобо Абэ. Яшиқ-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 26-27 бетлар.

Кобо Абэ асарга қиз образини киритиш орқали асар моҳиятини тўла очишга ва яшик-одамларнинг ҳам ўз хиссий кечинмалари мавжудлигини уқтиришга уринган. «Яшик-одам» романида ана шундай қаҳрамонларни учратиш мумкин. Уларнинг портретини ёзувчи воқеа мантиғига мос тарзда чизади.

Кобо Абэ қаҳрамонларни тўлақонли гафдалантиришда ва уларнинг портретини тасвирлашда романдаги бошқа қаҳрамонларнинг қиёфаси, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатларидан ҳам самарали фойдаланади.

「膺の箱は、べつに引裂かれもせず、つぶされもせず、同じ姿勢でベッドの端にかけつづけていた。彼女は、もう裸ではなかった。部屋の隅で、仕事机にもたれるようにして、タバコを吸っている。長すぎる白衣に、きちんとボタンまで掛け、もう脚も見えない。脚の見えない彼女は妙によそよそしくて、別人みたいだ。タバコは三分の一ほどに減っていた。陰のある、疲れた眉。白衣のポケットからのぞいている浣腸器。そのゴム管にからめた、細い筋張った指。その指先の、銀のマニキュア」⁹⁵。

«Синмаган, йиртилмаган сохта яшик ҳали ҳам ўша вазиятда каравот четида турар эди. Жувон кийиниб олган. У хона бурчагидаги ёзув столи устига энгашганча чекмоқда эди. Эгнидаги ҳаддан ортиқ узун халатнинг ҳамма тугмалари батартиб қадалган, энди оёқлари ҳам кўринмас эди. Халат оёқларини беркитиб турибди, жувон энди аллақандай ҳайрон қоларли даражада бефарқ – бутунлай бошқа бир одам бўлиб қолган. Сигаретанинг учдан бир қисми чекилган. Қошлар чимирилган, қовоқлар солиқ. Тирноқлар садафранг бўёққа бўялган...»⁹⁶.

Адиб асарнинг ушбу парчасида ташқи қиёфанинг портрет таърифини бериб ўтган. Бундан персонажнинг жаҳли чиққанлиги-ю ва албатта қаҳрамоннинг портрети берилиб ўтганлигини кўришимиз мумкин. А.П. Чехов таъкидлаганидек: «Ғоя бадий асар тақдирини ҳал қилувчи негиздир.

⁹⁵ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.53.

⁹⁶ Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 46-бет.

Асарнинг ғояси бир нечта жумла билан ифодаланмайди. Балки асар давомидаги турли нукталарда, унинг бутун руҳидан келиб чиқади»⁹⁷.

Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг «ички монолог», «онг оқими» тарзида ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган автор гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади. Асарда персонаж руҳияти унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари (мимикаси), ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши билвосита психологик тасвир ҳисобланади. Руҳий тасвирнинг бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонаж руҳиятини тасвирлашда ёзувчи буларнинг ҳар иккисидан ҳам ўрни билан унумли фойдаланади. Шунингдек, персонаж руҳиятини очишда ёзувчи табиат тасвиридан ёки бошқа бирор нарса портретидан фойдаланиши мумкин бўлади.

「タバコをもみ消しながら、彼女は頭を空いている方の小指で耳の穴を掻いた。正面からスタンドの光が当たると、両眼の距離が開き、いくぶん斜視気味に見える。疑わしげに歯を見せて、口だけで笑うと、意地っ張りの子供の顔になった。小さく首を左右に振って、口を閉じると、突き出した下唇が意外に肉感的だった。それから軽く上体をしなわせ、見えない紙の風船を蹴る仕種」⁹⁸。

«Жувон бир қўли билан сигаретасини ўчирди, иккинчи қўлининг чинчалоғи билан, бошини енгил сарак-сарак қилиб, қулоғини кавлади. Стол устидаги чироқ нури тўппа-тўғри унинг юзига тушиб тургани учун кўзлари ўртасидаги оралик кенгайиб кетгандек туюлар ва кўзлари сал ғилай бўлиб кўринар эди. У тишларини кўрсатганча ишонқирамай ишшайди, шу туришда қайсар болага ўхшаб қолган эди. Бошини рад маъносида сарак-сарак қилиб, оғзини юмди ва унинг чўччайган пастки

⁹⁷ Литературный энциклопедический словарь. – Москва, «Литература». 1987, стр.

⁹⁸ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.53-54.

лаби фавкулудда пўрсилдоқ бўлиб кўринди. Кейин чакқон эгилиб, худди кўзга кўринмас ҳаво шарини тепиб юбораётгандек ҳаракат қилди⁹⁹.

Ушбу романнинг икки қаҳрамони, яъни «А» ва қиз ўртасида кечган ўзаро суҳбатда, уларнинг кайфиятига мос тарзда ташқи қиёфа, кўриниш, хатти-ҳаракат тасвирланган. Уларнинг гаплашиш оҳанги, ўзига хос қилиқлари, ҳаракатлари ва турлича рухий ҳолатлари, муносабатлари, юзларидаги ўзгаришлар ишонарли ва табиий тасвирланган. Қиз образининг портретига асарнинг кўпгина қисмларида тўхталиб ўтилган бўлиб, бу образ орқали асардаги қаҳрмонлар ҳарakterини ишонарли, табиий, ва албатта жонли тарзда яратилишига хизмат қилган.

Умуман олганда, ёзувчи романда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатларини, портретининг анча батафсил таъриф-тавсиф этади. Уларнинг ички дунёсини, қалб драмаларни намоён этишда бадиий маҳорат билан ишлаган. Яшик-одам образи ва унинг ҳарakterини бадиий маҳорат билан яратиш, ўша даврга мос ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракати, қилиқлари, гапириш оҳанги портрети тасвирлади. Кобо Абэ марказий қаҳрамонларнинг ҳарakter қирраларини яна ҳам ёрқинроқ чиқиши учун бор маҳоратини ишга сола олган.

Ёзувчи қаҳрамоннинг изтиробларга тўла кўнглини, ташқи қиёфаси кўринишини хатти-ҳаракатларига, юзларидаги ўзгаришларга мос тарзда тасвирлайди. Романдаги деярли ҳар бир қаҳрамон қалбида кескин суҳбат кечади. Ана шу суҳбатга мос портрет тасвирланади. Ҳар бир қаҳрамон қалбининг ўз-ўзи билан ички суҳбати, баҳси ўзига хосдир. Романдаги ҳар бир қаҳрамонларни ҳарakterи қалбида баҳси, туғени орқали тўлароқ намоён бўлади. Қаҳрамонларнинг қалб баҳси, нидоси айни пайтда уларнинг ҳаёт фалсафаси, концепцияси ҳамдир. Бу фалсафий концепцияда инсон тасвири, портрети, ташқи қиёфаси, кўриниши чизилмасидан иборат барча хусусиятлар мавжуд.

⁹⁹ Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 46-47 бетлар.

2. «Яшик-одам» да қаҳрамонларнинг психологик портрети

Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг «ички монолог», «онг оқими» тарзида ёки муаллиф тилидан баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади. Психологизм тушунчаси бир-бирига чамбарчас боғланган, аммо айнан ўхшаш бўлмасида, моҳиятига кўра асосан уч турга бирикиши мумкин.

Биринчидан, психологизм сўз санъатининг туғма белгиси, аслида эсанинг хусусияти бадиийликдан гувоҳлик беради.

Иккинчидан, халқ ижодиёти салоҳиятининг кўриниши бўлиб, шу сарчашмадан баҳраманд бўлган ҳар бир ижодкорнинг психологияси у ё бу жиҳатдан муаллифни ўзини кўрсатади, унинг персонажлари ва кенг маънода умуминсоний психологияси (ижтимоий табақалар, ижтимоий гуруҳлар, замонлар ва ҳ.к.)да, санъаткор шахсияти ва у яратган қаҳрамонлар образида ўз аксини топади. Бадиий адабиётда тарихий даврларнинг турли қатламларидан ва адабий йўналишларидан биз ҳар томонлама муаллиф қаҳрамонлари, омма психологияси хусусида ҳаққоний тушунчага эга бўламиз.

Нихоят, психологизм онгли ва асосий эстетик тамойил сифатида мавжуддир. Бу фикрдаги икки муҳим нуқта омма психологияси ва муаллиф психологияси тушунчалари эътиборга лойиқ. Чунки омма психологияси аниқ бир давр билан боғлиқ бўлиб, тарихий шароит ва давр психологиясини юзага келтиради. Давр психологияси эса муаллиф психологиясига ижодий озиқ беради. Бусиз бадиий ижод йўқ.

Психика ва психологизм муаммоси тўғрисида эса турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, Д. Қуронов, З. Мамажонов ва М. Шералиеваларнинг «Адабиётшунослик луғати»да ёзилишича, бадиий психологизм – бадиий асарда тўлақонли инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири;

персонаж руҳиятининг очиб берилиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадларга хизмат кулувчи усул ва воситаларнинг жами.

Асардаги персонаж руҳиятининг унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари (мимикаси), ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши эса билвосита психологик тасвирдир. Руҳий тасвирнинг бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонаж руҳиятини тасвирлашда ёзувчи буларнинг иккисидан ҳам ўрни билан фойдаланади¹⁰⁰.

Биз таҳлил қилмоқчи бўлган ҳикояларнинг яратилишида ҳам ана шу икки манбанинг ҳал қилувчи ўрни борлиги кўзга ташланиб туради. Чунки Кобо Абэ ўзи яшаган давр воқеаларини, муаммоларини ўз ҳикояларида ёритиб берган. Унинг ҳикояларида мана шу даврда яшаган омма психологияси ва омма психологиясидан озик олган муаллиф психологияси баён этилган. Яъни, адибнинг ҳикоялари аниқ бир давр воқеалари асосида ёзилган бўлиб, унда кўпчиликни ҳаяжонга соладиган масалалар кўтарилган. Кобо Абэ мана шу оддий «Яшиқ-одам»нинг руҳий тасвирини катта маҳорат билан очиб берган.

Адабиётшуносликка оид китобларда психологизмнинг бадиий аҳамияти ва «ҳозирги адабиётда психологизмнинг динамик, аналитик, синтетик ва типологик принциплари мавжуд»¹⁰¹ лиги ҳақида сўз юритилади. Динамик принципда персонаж руҳияти унинг муайян ҳаёт вазиятларида ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзлари орқали очилади. Таҳлилий тамойил эса персонаж дилидаги ҳис-туйғулар, онгидаги уй-фикрларнинг илдизлари, тадрижини жараён тарзида изчил ва атрофлича тасвирлашни тақазо этади. Бунда бир ҳисдан иккинчи ҳис, бир ўйдан бошқа фикр ўсиб чиқади, улар бир-бирини тўлдиради, сифат жиҳатидан ўзгартиради. Динамик ва таҳлилий тамойил бирга ишлатилганда синтетик тамойил вужудга келади.

¹⁰⁰ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. -Тошкент, 2010. 50-бет.

¹⁰¹ Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик: мезонлар ва уларнинг маромлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. «Янги аср авлоди». 2011. 433-бет.

Типологик тамойил персонаж руҳиятини у шаклланган ва ҳаракатланаётган муҳит шарт-шароитлари билан боғланган, шулардан келиб чиққан ҳолда тасвирлашни назарда тутди. «Муайян персонаж руҳияти тасвирида бу учала (динамик, таҳлилий ва типологик тамойил назарда тутилмоқда) тамойил ҳам қоришиқ ҳолда намоён бўлади, улардан бири етакчилик қилган ҳолда, бошқалари уни тўлдириш, конкретлаштиришга хизмат қилади»¹⁰².

Адибнинг кўпгина ҳикояларида психологик тасвирнинг бевосита шакли қўлланилган бўлиб, уларда персонажларнинг ўй-кечинмалари, ҳистуйғуларининг «ички монолог»и баён қилинган.

「…被害届を書くように迷惑顔で言われたとき、はじめておびえに似たものを感じた…部屋に戻ると、一服して気を静め、いつもなら横目でにらんだだけで済ませていた窓の外を正視した……逆上した…」¹⁰³。

«... «А» биринчи марта кўрқувга ўхшаш алланарсани ҳис қилди... Уйига қайтгач, чекди, ҳовурини босди, илгари деразадан кўрқа-писа мўралайдиган жойига энди бемалол кўз ташлади... «А»нинг миясига қон тепди. Деразаларни ланг очди»¹⁰⁴.

Ушбу вазиятда «А» «Яшиқ-одам»дан сабабсиз равишда кўрқиши натижасида талвасага тушиб қолади. Чунки, ундаги номаълум тасаввурлар «А»ни шундай ҳолатга тушишига сабаб бўлмоқда. Қаттиқ кўрқувнинг оқибатида асар қаҳрамонининг асаблари бузилиб, агрессив ҳолатга тушиб қолади. Буни исботи тариқасида асарнинг кейинги қисмида ҳам кўришимиз мумкин. Асар давомида қаҳрамоннинг рухий ҳолати жуда аянчли тасвири чизилар экан, ёзувчи бадиий портрет яратишда янада тиниқроқ бўёқлардан фойдаланади. Натижада эса асар ғояси аниқлашади. Учинчи кунга келиб, «А» ўзини бир мунча тутиб олганини, энди, у ўзида

¹⁰² Куронов Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, 2010. 51-бет.

¹⁰³ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.17.

¹⁰⁴ Кобо Абэ. «Яшиқ-одам» //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 9-бет.

аллақандай ўзгариш рўй берганини ҳис этди. Бироқ бу ўзгариш уни фақат хурсанд қилди.

「じりじりしながら限界をはかる。再び怒りがこみ上げてくる。時間が過熱し、燃えつきる……A はまごつく……不快なしびれが、口のまわりに楕円形の輪をつくる。夢のなかの駈け足。すぎる思いで、次の動きを待ち受ける」¹⁰⁵。

«Асаблари қақшаб кетган «А» яна бир оз сабр қилмоқчи бўлди. Туриб-туриб, бошқатдан ғазаби қўзиди. Вақт ёғдай қизиб кетган эди — лов этиб ёнди... «А» гангираб қолди... Оғзи қуруқшаб, танглайи тиришди. Ҳушидан кетди. Умид билан навбатдаги ҳаракатни кутди»¹⁰⁶.

Кобо Абэ роман қаҳрамони қалбидан кечган ана шундай мураккаб руҳий тўлқинларни ҳам усталик, бадиий маҳорат билан психологик портрет орқали очиб беради. «Ёзувчи ҳаётни кузатиш ва ўрганиш натижасида юзага келадиган ҳаёт ҳақида айтадиган гаплари ҳар қанча доно ва жиддий бўлмасин, улар характерлар орқали ифодаланмаса, уларнинг меҳнати, кураши, тўқнашувларида мужассамланмаса, ёзувчи масадига эриша олмайди. Характерсиз бадиий асар йўқ. Шунингдек, характернинг ўзига хос жиҳатларидан бири, унинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, қилиқлари, жамики фаолияти ўзининг ички мантиғига ҳилоф бўлмай психологик жиҳатдан далилланган бўлиши шарт. Шундагина бадиий асарда ҳаракат қилувчи характер ўзида ҳаёт ҳақиқатининг муҳим жиҳатларини ифодалай олади, шундагина у китобхоннинг инсон ҳақидаги тасаввурини бойитиб, унинг учун чинакам кашфиёт бўлади, унинг онгига ҳам, қалбига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳаёт зиддиятларини бадиий таҳлил этиш, шу йўл билан миллий характерларнинг ўзига хос қиёфасини яратиш ёзувчидан катта масъулият талаб қилади. Қаҳрамон портрети чизилар экан, ўқувчи кўз ўнгида яшиқ-одамнинг бошидан кечирган аччиқ

¹⁰⁵ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.17.

¹⁰⁶ Кобо Абэ. «Яшиқ-одам» //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1986, 10-11 бетлар.

ва аянчли ҳолатларининг бадиий портрети жонли ва рангли тасвири жонланади.

«Яшиқ-одам» романидаги портрет тасвирлари асарнинг бош қаҳрамонининг руҳий дунёсидаги ҳолат, ўзгаришларни англаш, тушуниш учун муҳим роль ўйнайди. Унинг бадиий образини яратишда Кобо Абэ ўша даврнинг, жамиятнинг ва ҳаётнинг ранг-баранг манзараларидаги воқеа-ҳодисалардан фойдаланган.

Л.Н.Толстойнинг фикрича, адабиётда маълум бир тип яратиш учун шу тоифадаги жуда кўп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб бадиий бир бутунликка жамлаш керак. Асар қаҳрамонларининг ички кечинмаларининг портрети давр руҳини, баён этилгандек ҳодисаларни китобхон кўз ўнгида тирилтиришга ёрдам беради, роман, қаҳрамонлари ва воқеаларни алоқадорлигининг ички бутунлигини таъминлашга ёрдам беради. «Яшиқ-одам» романида бадиий-сиёсий ғояни фалсафий идрок этиш, талқин қилиш орқали давр, жамият руҳияти очилган, яшиқ-одамларнинг қисмати орқали ибратли хулосалар чиқарилган.

「心の方向感覚の麻痺は、箱男の持病である。そのたびに地軸が揺れ、船酔い似た吐き気にさんざん苦しめられる。ただ、どういうわけか、落伍者意識だけにはまったく縁がない。箱を疚しく感じたことさえ一度もない。箱はぼくにとって、やっとたどり着いた袋小路どころか、別の世界への出口のような気さえする。何処へかは知らないが、とにかく何処か、別の世界への出口……と言ったものの、小さな覗き窓から外の気配をうかがいながら、ただ吐き気をこらえているのでは、袋小路もそう変わりはない」¹⁰⁷。

«Ўта сезувчанлик – «Яшиқ-одам»нинг сурункали касали. Ер ўқининг сал қийшайиши ҳам, худди денгиз касаллиги каби кўнгилни беҳузур қилади. Нима учунлигини билмайман, аммо бу ҳеч ҳам одатдаги омадсиз кишининг сезгисига ўхшамайди. Мен ҳали бирор марта ҳам ўз яшигимдан номус қилмаганман. Назаримда, яшиқ мен сандирақлаб юриб кириб қолган

¹⁰⁷ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.25.

боши берк кўча эмас, у мен учун ўзга бир оламга очилган эшик. Бу эшик қайси оламга очилган, буни билмайман, ҳар қалай, қандайдир бошқа бир олам деб ўзимни ўзим ишонтираман, ўзим эса беҳузур бўлаётган кўнглим билан олиша-олиша, дарчадан ташқарига боқиб, қандай воқеалар рўй бераётганини кузатаман ва бу бошқа олам менга бари бир ўша боши берк кўча бўлиб кўринади»¹⁰⁸.

Кобо Абэ романдаги «А» нинг ички дунёси чуқур ёрита олган, унинг ташқи қифаси, кўриниши, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, гапириш оҳанги маҳорат билан чизган. «А»нинг характер хусусиятларни кўрсатиш орқали унинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, қилиқлари, жамики фаолияти ўзининг ички мантиғига хилоф бўлмай психологик жиҳатдан далилланган тарзда ёритиб берилган. Шунинг учун ҳам асарда ҳаракат қилувчи характер ўзида ҳаёт ҳақиқатининг муҳим жиҳатларини ифодалай олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қаҳрамонларнинг характер хусусиятини тасвирлаш орқали адиб китобхоннинг инсон ҳақидаги тасаввурини бойита олган, бундай тасаввурнинг ҳосил бўлиши эса инсоннинг онгига ҳам, қалбига ҳам таъсир кўрсатади. Бундай ҳаёт зиддиятларини бадиий таҳлил этиш, шу йўл билан миллий характерларнинг ўзига хос қиёфасини яратиш ёзувчидан катта масъулият талаб қилади.

Персонажнинг портрети, шундай тасвирланганки, унинг кўриниши, қиёфаси хусусидаги юқоридаги мулоҳазалар унинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, ички ҳолатлари тўғрисида ҳам муайян тасаввур олиш имконини беради. Бу нафақат қаҳрамон портретини, балки унинг феъл-атфори кўрсатишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Адиб «А»нинг маънавий дунёсида юз берган ўзгаришларни руҳий-психологик омиллар билан кўрсатиб бермоқда. «Яшик-одам»нинг ҳам

¹⁰⁸ Кобо Абэ. «Яшик-одам» //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 18-бет.

барча одамлар каби ўз хис-кечинмалари мавжудлигини, уни «Яшик-одам» деб эътиборсизлик қилишларига қарамай уларда ҳам ибo, ҳаё, ахлоқий нормалар шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Кўриб турганимиздек мана бу парчадаги портретда ҳам «А»нинг кизга интилиши ва доимий талпиниши натижасидаги унинг руҳиятида юз бераётган ҳар бир кичик детал муаллиф Кобо Абэ томонидан зўр маҳорат билан тасвирланган.

「彼女が下唇を軽く噛んだ。しかし、唇は横におおきくのびて、身をかわす。その口いっぱいの笑いを見て、僕の心は薄い悲しみの刃でそぎ落される。媚をふくんだ上眼づかいが、膺箱を見上げる。あいつが何か（どうせいい加減なことだろう）言ったらしく、顔を上げた彼女が二言、三言、何か答えようだ。鋼鉄の巻尺のように、背筋が伸びる。伸びたはずみが、爪先にかかり、彼女はそのまま箱に向かって歩き出す。違うと、思わず心の中で叫んでいた。横隔膜が濡れた革のようにこわばって、息がつまり、頭の生え際からあふれた汗の筋で、僕の顔は熟れすぎたメロンのようになる……全身の筋肉が点火を待つばかりになっていたのに、窓ガラスを破って飛び込んで行かなかったのは、その彼女の裏切りのせいもありそうだ。（箱男的言い逃れ見本）」¹⁰⁹。

«Жувон пастки лабини салгина тишлайди. Бироқ, лаб ҳаммавақт чаққонлик билан чап бериб тишлардан четга қочади. Оғизни йирган бу табассум менинг юрагимга ҳасрат найзаси бўлиб санчилади. Жувон бошини кўтармасдан, манглайи тагидан менинг қиёфадошимга – «Яшик-одам» га қарайди. У нимадир деди (чамаси жувонга ёқадиган гап), жувон бошини кўтариб, унга жавобан бир неча оғиз сўз қотди. Елка мушаклари бамисоли пўлат қайишдек тортилди. Бу таранглик бошдан-оёқ бутун баданига ўтди ва аёл яшикка қараб юрди. Бундай қилма, деб қичқираман, ичимда. Диафрагма худди қуритилган ҳўл териға ўхшаб хира тортди, нафасим қисилди, дув-дув тер қуйилаётган юзим худди пишиб ўтиб кетган

¹⁰⁹ 安部公房全集 24 [1973.3–1974.2] 東京、新潮社、1999, p.52.

ковунга ўхшаб қолди... Мушакларим узилиб кетай-узилиб кетай дерди, бироқ мен ойнани ҳам синдирмадим, хонага отилиб ҳам кирмадим, у мени сотгани учун шундай қимаган бўлсам керак (мана, яшик-одамга хос баҳонанинг ажойиб намунаси)»¹¹⁰.

Кобо Абэ асарларида психологик таҳлилнинг кўпроқ динамик тамойили етакчилик қилишини кўрамиз. Романлардаги психологизмнинг динамик тамойили сюжетнинг динамик ривож, қаҳрамонларнинг руҳий томондан бўлган тасвири уларнинг ҳаракат ва қилиқларидан ажралиб қолмасдан, кечинма сиқик, тасвир эса тез ўсиб борган. Адиб кишиларнинг руҳий ҳолатларини идрок этар экан, кўпинча «сезги тўқислиги»ни бир томонда қолдиради. Қаҳрамон кечинмаларига у берган тавсиф доимо сиқик, лўнда, сюжетнинг динамик ривож, кишилар ҳулқини кўрсатиш билан боғланган. Психологик портрет ёзувчига персонажнинг ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий дунёсини очишга ёрдам беради»¹¹¹.

Кобо Абэ романларида персонажларнинг юз-кўз ифодаси, мимикаси, ундаги физиологик ўзгаришлар ҳақида маълумотларни ўқувчиларга етказувчи бу портретлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар китобхонга асар қаҳрамонларининг нутқини «эшитиш», хатти-ҳаракатларини «кўриб туриш» ва шулар ёрдамида персонажнинг руҳиятини хис қилиш имконини беради. Персонажларнинг фикрлари, ўйлари, туйғулари ташқи портрети орқали бизга намоён бўлади.

Шундай қилиб, Кобо Абэнинг кўпгина романларида персонажларнинг психологик портретининг бевосита шакли қўлланилган бўлиб, уларда қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари асосан ўз-ўзи билан сўзлашиши, қалб изтироблари ҳамда туғёнлари баён қилинган.

¹¹⁰ Кобо Абэ. Яшик-одам. //Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 45-бет.

¹¹¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1983, 252-бет.

III боб бўйича хулоса

«Яшиқ-одам» романида портретнинг икки хил тури қўлланилган. Бу асарда персонажларнинг портретини психологик жиҳатдан ёритилган. Кобо Абэ бош қаҳрамон «А»нинг қалб кечинмаларини, ички бахсларини (ўз-ўзи билан) шундай моҳироналик билан очганки, натижада унинг ички ва ташқи дунёси китобхон эътиборига аниқ тарзда намоён бўла олган. Асарни ўқиш давомида яшиқ-одамнинг ҳам барча одамлар каби ўз хис-кечинмалари, орзу-умидлари ва ўз қарашлари мавжудлигини кўриш мумкин.

Кобо Абэ «Яшиқ-одам» романини яратиш чоғида аввало ўша давр вазиятига, кейин эса жамиятнинг мавжуд тузумидан келиб чиққан ҳолда яшиқ-одам образини ва унинг характерини бадиий маҳорат билан ярата олди, ўша даврга мос ташқи қиёфаси, кўриниши, хатти-ҳаракати, қилиқлари, гапириш оҳанги портретини тасвирлаб, оммага тақдим этди. Ёзувчи марказий қаҳрамонларнинг характер қирраларини яна ҳам ёрқинроқ чиқиши учун бор маҳоратини ишга сола олган.

Давр психологиясини ёритишда Кобо Абэ ўз қарашлари билан узвий боғлай олган, зеро «психологизм онгли ва асосий эстетик принцип сифатида мавжуддир» деган фикр бунга исбот бўла олади. Бу фикрдаги икки муҳим нуқта омма психологияси ва муаллиф психологияси тушунчалари эътиборга лойиқ.

Чунки омма психологияси аниқ бир давр билан боғлиқ бўлиб, тарихий шароит ва давр психологиясини юзага келтиради. Давр психологияси эса муаллиф психологиясига ижодий озиқ беради. Бусиз бадиий ижод йўқ. Биз таҳлил қилмоқчи бўлган романларнинг яратилишида ҳам ана шу икки манбанинг ҳал қилувчи ўрни борлиги кўзга ташланиб туради. Чунки Кобо Абэ ўзи яшаган давр воқеаларини, муаммоларини ўз ҳикояларида ёритиб берган. Унинг ҳикояларида мана шу даврда яшаган омма психологияси ва омма психологиясидан озиқ олган муаллиф психологияси баён этилган. Яъни адибнинг ҳикоялари аниқ бир давр

воқеалари асосида ёзилган бўлиб, унда кўпчиликни ҳаяжонга соладиган масалалар кўтарилган. Кобо Абэ мана шу оддий яшик-одамнинг руҳий тасвирини катта маҳорат билан очиб берган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қаҳрамонларнинг характер хусусиятини тасвирлаш орқали адиб китобхоннинг инсон ҳақидаги тасаввурини бойита олган, бундай тасаввурнинг ҳосил бўлиши эса инсоннинг онгига ҳам, қалбига ҳам таъсир кўрсатади. Бундай ҳаёт зиддиятларини бадиий таҳлил этиш, шу йўл билан миллий характерларнинг ўзига хос қиёфасини яратиш ёзувчидан катта масъулият талаб қилади.

ХУЛОСА

Ҳар қандай жамият ижтимоий ҳаётининг маданият тизимида адабиёт соҳаси ўзининг муносиб ўрнига эга. Чунки, адабиёт турли-туман йўналишлари ва жанрлари асосида кишилик жамиятининг ўта долзарб муаммоларини таъсирчан ва жонли тарзда тадқиқ қилиб келмоқда.

Жумладан, бадиий адабиётда портрет тасвири бу масалаларда таъсирчан образлари билан жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллик даражасини юксалишига ижобий туртки бермоқда. Зеро, романдаги портрет тасвири марказий қаҳрамоннинг руҳий дунёсидаги ҳолат ва ундаги ўзгаришларни англаш ҳамда тушунишда муҳим роль ўйнайди. Унинг бадиий образини яратишда ёзувчи ҳаётнинг ранг-баранг манзараларидаги воқеа-ҳодисалардан фойдаланади, конкрет тарихий шахснинг ҳаётини лавҳаларини тасвирлайди.

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради. Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари қалам аҳлининг ижодий изланишлари учун қандай катта уфқлар очиб берганини яна бир бор кўрсатади

Диссертация ишининг назарий-методологик бобида ўзбек адибларининг асарлари орқали портрет санъатига бир қанча мисолларни келтирдик. Жумладан Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор каби адибларнинг асарларида бадиий қаҳрамонлар ва вазият портрети шундай мохироналик билан ёритилганки, уни ўқиган китобхон қаҳрамон образини

ва мавжуд вазият жараёнини беихтиёр кўз олдига келтира олишини аниқ мисолларда ифоланишга асосий урғу қаратилади.

Диссертация ишининг асосий мазмуни бу – таниқли япон ёзувчиси ва драматурги Кобо Абэнинг портрет яратиш маҳоратини очиб беришдир. Шунингдек, унинг бадиий асарларида қаҳрамон портрети яратиш маҳоратнинг ажралмас қисми сифатида тадқиқ қилинди. Хусусан, «Қумдаги хотин» ва «Яшик-одам» романларида Кобо Абэ персонаж нутқини индивидуаллаштириш орқали унинг шахсияти, дунёкараши, муайян ҳаётий ҳолатдаги руҳияти ҳақида ўқувчига кўп нарсаларни етказа олганлигини диссертацияда асослаб беришга интилдик.

Айниқса, унинг «Қумдаги хотин» асарида ҳам инсон портрети табиат манзаралари орқали асар қаҳрамони Ники Дзюмининг руҳий ҳолати очиб берилган. Ёзувчи роман қаҳрамони Ники Дзюмпэйнинг руҳий ҳолатини чизишда ташқи қиёфасига, яъни портретига ҳам алоҳида эътиборни қаратади.

Руҳиятига, ўй-кечинмаларига, кайфиятига мос тарзда қаҳрамоннинг ташқи кўринишини тасвирлайди. Шунингдек, диссертация ишида Кобо Абэ томонидан романда аёл портрети, унинг кўриниши, қиёфаси хусусидаги мулоҳазалар унинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, ички ҳолатлари тўғрисида ҳам муайян тасаввур олиш имконини бергани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Кобо Абэ асарларида инсоннинг ички ва ташқи дунёси ғоятда кенг тасвирланади. Ёзувчи портрет санъатини қўллашда персонажнинг ички дунёсини, унинг ўй-хаёлларини, руҳий ҳолатини ва ўша вазият ҳамда макон портретини усталик билан аниқ ва равшан ёритиб бера олганлиги сабабли ҳам унинг асарларининг таъсирчанлик даражаси ортган.

Демак, Кобо Абэ асарлариинг асосий ғояси бу – шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятни кўрсатиш орқали жамиятининг инсои шахсига муносабатини бадиий тадқиқ этишдан иборат. Романдаги етакчи ғоялардан

яна бири шуки, инсонни ёлғизлик ва маҳдудликдан гўзал ҳаёт қутқара олиши мумкинлиги илгари сурилган.

Юқорида билдирилган келиб чиқиб мавзу тадқиқотининг келгуси истиқболи учун мазкур тавсияларни илгари суришни лозим топдик:

- мўмтоз адабий асарлардаги портрет яратиш маҳоратини ёш ўзбек адиблари фаолиятиларига янада чуқурроқ синдириш зарур;
- замонавий ўзбек романчилигида портрет яратиш йўналишини жамиятимиз ҳаётини янгилаиб бориш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, давримизнинг қаҳрамонлари образи орқали тараққий эттириш лозим;
- бадиий адабиётдаги портрет тасвири орқали жамият аъзоларининг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда ижтимоий фаоллик билан иштирок этишларига таъсир этишни кучайтириш керак;
- мамлакатимизда жаҳон адабиётига бўлган қизиқиш ортиб бораётган шароитларда, япон адабиётшунослари ижоди ва улар томонидан яратилган асарларда қаҳрамон портретини яратиш хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратиш жоиз;
- мамлакатимиз ва ҳориж адабиётшунослари асарларида яратилган портрет тасвири хусусиятларидаги умумийлик ва хусусийлик сифатларини қиёсий тадқиқоти илмий изланишлар ривожига таъсир кўрсатади.

Албатта, магистрлик ишида бундай мураккаб мавзунини тўлақонли тадқиқ этиш мумкин эмас. Лекин, мазкур иш мавзу бўйича келгуси илмий ишлар учун камтарона ахборот манбаси бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комилдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1996. - 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1998. - 683 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият», 2008. - 176 б.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2009. - 40 б.

II. Асосий адабиётлар:

5. Кобо Абэ. Избранное – Москва, «Правда», 1988. - 560 с.
6. Кобо Абэ. Пьесы. – Москва, «Искусство», 1975. - 286 с.
7. Кобо Абэ. Ящик-одам 1973 // Рус тилидан С. Раҳмон таржимаси// – Тошкент, «Адабиёт ва санъат», 1986. - 143 б.
8. Кобо Абэ. Қумдаги хотин 1962 // Рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржимаси// Тошкент, «Бадий адабиёт», 1968. - 155 б.
9. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, «Шарқ», 2008. - 386 б.
10. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, «Akademynashr». 2013. - 408 б.
11. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1983. - 365 б.
12. 安部公房全集 16 [1962.04–1962.11] 東京、新潮社、1998. pp. 9-141.
13. 安部公房全集 24 [1973.03–1974.02] 東京、新潮社、1999. pp. 115-250.

III. Қўшимча адабиётлар:

14. Алиев А.А. Ижод ва изланишлар. – Тошкент, «Адабиёт ва санъат». 1973. - 187 б.
15. Алимбекова Г.А. Тарихий романларда қаҳрамонлар портрети. Маг.дисс. – Тошкент, 2008. - 70 б.
16. Белик А.П. Художественные образы Ф.М. Достоевского. – Москва, «Наука», 1974. - 222 с.

17. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 1979. - 287 б.
18. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент, «Фан». 1982. - 105 б.
19. Гарбовский Н.К. Теория перевода. – Москва, «Издательство Московского Университета». 2007. - 544 с.
20. Гус М.С. Идеи и образы Ф.М. Достоевского. – Москва, «Художественная литература», 1971. - 591 с.
21. Ёкубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. – Тошкент, «Ўзфанакадемнашр». 1963. - 130 б.
22. Зоирова Ю. «Ўткан кунлар романида аёл қиёфаси тасвири». – Тошкент, «Ўзбекистонда талаба ёшларнинг республика миқёсида анъанавий илмий-амалий анжумани тезислар тўплами». 2013. – Б. 155-157.
23. Каримов О. Бадиий образнинг кўп маънолилиқ хусусияти.//Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. №3. – Б. 21-26.
24. Каримов Ҳ. Ўткир Ҳошимов адабий портрети. – Тошкент, «Янги аср авлоди». 2001. - 103 б.
25. Литературный энциклопедический словарь. – Москва, «Советская энциклопедия». 1987. - 752 с.
26. Намозова З. Ғоя ва бадиий портрет. Ёшлиқ 4-сон, 2014. 58-59 бетлар.
27. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю., Толковый словарь русского языка, Москва, «А ТЕМП». 2010. - 874 с.
28. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент, «Шарқ», 2007. - 336 б.
29. Рюноскэ Акутагава. Муки ада. – Санкт-Петербург, «Кристалл», 2001. - 320 с.
30. Словарь иностранных слов. – Москва, «Русский язык». 1988. - 624 с.
31. Словарь литературоведческих терминов. – Москва, «Просвещение». 1974. - 509 с.
32. Стасевич В.Н. Искусство портрета. – Москва, «Просвещение». 1972. - 80 с.
33. Стасевич В.Н. Пейзаж. Картина и действительность – Москва, «Просвещение». 1978. - 159 с.
34. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент, «Ўқитувчи». 1980. - 392 б.
35. Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. – Тошкент, «Фан». 1967. - 108 б.
36. Султонова М. Портрет яратишнинг бадиий ахамияти. – Тошкент, «Фан», 1969. - 87 б.

37. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик: мезонлар ва уларнинг маромлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. «Янги аср авлоди». 2011.
38. Ходасевич В.М. Портреты словами. – Москва, «Советский писатель». 1987. - 318 с.
39. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Тошкент, «Шарқ», 2000. - 288 б.
40. Қахрамонов А. Маҳорат мактаби. Адабий танқид 1-сон, 2004. 9-б.
41. Қурбонов Т.Ж. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати. Филол. ф.н. дисс. – Тошкент, 1997. - 159 б.
42. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент, «Фан». 1977. - 152 б.
43. Қўшжонов М. Абдулла Қаххор маҳорати. – Тошкент, «Адабиёт ва санъат» 1988. - 232 б.
44. Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент, «Тошкент». 1965. 355 б.
45. Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Тошкент, «Ўзадабийнашр». 1962. - 202 б.

IV. Интернет сайтлари

46. <http://ja.wikipedia.org/wiki/安部公房>
47. <http://ja.wikipedia.org/wiki/砂の女> «Wikipedia» бепул
48. <http://ja.wikipedia.org/wiki/箱男> электрон энциклопедия
49. http://ru.wikipedia.org/wiki/Кобо_Абэ
50. http://ru.wikipedia.org/wiki/Художественный_портрет